Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ
РАЖАБ, 30-КУН
ШАМСИЙ
1369 ЙИЛ
ДАЛВ, 27-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган | 1991 йил 14 февраль, пайшанба № 32 | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

БУГУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР

ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ

IV СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

Суратларда: Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бугун очиладиган навбатдан ташқари тўртинчи сессияси қатнашчиларининг бир гуруҳи акс эттирилган. Уларнинг ҳар бирида қанчадан-қанча таклифу мулоҳаза бор.

Еркин БОТИР олган суратлар.

...ВА НИҲОЯТ СЕССИЯ БОШЛАНАЯПТИ

Сиртдан қараганда осуда мулоқот бораётгандек туюлса ҳам, бу кишиларнинг юз ифодалари, нигоҳларидаги жиддиятдан иш тиғизлигини, шу асосда тилга олинаётган муаммолар жўн эмаслигини англаш мумкин эди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қурилиш, архитектура, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитети раиси Асҳад Ҳабибуллаев аграр масалалар ва сув хўжалиги комитети раиси Алишер Тошкенбоев билан сессия арафасида нуқтаи назарларини сўнгги бор мувофиқлаштириб олаётганди.

— Сессия эшик қоқиб турибди, — деди А. Ҳабибуллаев бизни хонага таклиф этар экан. — Қилинган ишларни яна бир кўздан кечириб чиқаяпмиз. Ҳамма нарсани инобатга олдикми? Кун тартибидаги масалалар хусусидаги таклиф-мулоҳазалар эса ҳамон келиб турибди.

12—13 февралда ўнга яқин комитет ўз мажлисига тўпланди. Қилинган ишлар яна бир бор элак-элак қилиб чиқилди. Сессия бўйича сўнгги мулоҳазалар айтиб бўлиндими? Ёки унинг эътиборига етказиладиган фикрлар қали борми? Баҳслар, мунозаралар, тортишувлар жараёнида қонунларни пишиқтириш учун қатор таклифлар айтилди. «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг 16-модда учинчи банди қуйидагича баён этилган: «Корхона раҳбари ўз ўринбосарларини, бошқарув аппарати раҳбарларини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини мустақил тайинлайди ҳамда ишдан озод қилади». Ишлаб чиқаришни ташкил этувчи асосий шахс бригада бошлиғи қисобланади. Лойиҳада эса бу ҳақда гап йўқ. Қурилиш, архитектура, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитети мажлисида ана шу бандга қуйидаги қўшимчаларни киритиш таклиф этилди: «Бригадирлар бригада коллективлари йиғилишларида (яшириш ёки очиқ) овоз бериш йўли билан сайланадилар ва таркибига шу бригадалар кирган бўлима раҳбари томонидан тасдиқланадилар». Бошқа масалалар бўйича-чи? Комитетлар мажлисларида ер солиғи тўғрисидаги қонун лойиҳасидан тортиб, банклар ва банк фаолияти, тадбиркорлик, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун лойиҳаларигача мутахассислар эътиборидан яна бир бор ўтказилди. Лозим топилган фикрлар комитетларнинг вакиллари томонидан ажримида айтилади.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича комитетга кириб бордик. Унинг раиси Эркин Халилов билан суҳбатимиз телефон қўнғироқлари туфайли бот-бот бўлинди турди. Комитет аъзолари гоҳ у, гоҳ бу ҳужжатларни мувофиқлаштирувчи масалалар хусусида фикрлашиб олгани кириб қолишади. Хулласи, Халиловнинг иши бошидан ошиб кетгани, ҳар оқшом ярим тунгача кабинетдан чиқа олмай қолгани кўриниб турарди.

Бу қол тушунарли, албатта. Мазкур комитет сессия кун тартибидаги деярли ҳамма масалаларни қиёмига етказишга бош-қош. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси эса бевосита шу комитетда тайёрланди. Ишчи гуруҳи бўлғуси қонун учун асос қилиб олинган лойиҳани маҳаллий кенгашлар, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, норасмий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, корхоналарга жўнатди. Жойларда уни обдон ўрганишди, фикрлар билдиришди. Ҳамма жойдан мулоҳазалар жамланганч, улар ишчи гуруҳида кўриб чиқилди. Етарли асослаб берилган таклифлар тегишли моддаларга киритилди. Масалан, лойиҳа сиёсий партияларга ўн саккиз ёшдан, яъни балоғат ёшига етгач, аъзо бўлиш мумкин деган қўшимча қонда билан тўлдирилди.

— Бунинг маъноси шундаки, — дейди Эркин Халилов, — Ўзбекистон ССР Конституциясига кўра, айтайлик, сайлаш, сайланиш ўн саккиз ёшга тўлиб, вояга етиш билан бошланади. Демак, аслини олганда фаол, тўлақонли сиёсий ҳаёт кечириш ҳам шу ёшдан эътиборан-да. — Раис яна бир телефон қўнғироғига жавоб бериб олгач, қўшиб қўйди. — Умуман, лойиҳанинг деярли ҳамма моддалари жойларда олинган истаклар асосида қайта таҳрир қилинди, муайян қондалар билан тўлдирилди. Чуночи, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Умумиттифоқ қонунида сиёсий партия ёки касаба уюшмаси бўлиш учун 5 минг аъзо тўплаш шарт қилиб қўйилган. Биз жумҳуриятимиздаги ўзига хосликни ҳисобга олиб, 3 мингдан кам бўлмаган аъзолар уюшганидагина бўлғуси сиёсий партиялар ёки бошқа жамоат бирлашмалари расмийлаша олишини назарда тутувчи қонда киритдик. Лойиҳада яна бир ўзига хослик пайдо бўлди. Бу — областлараро, районлараро жамоат ташкилотлари тузиш билан боғлиқ қонда.

Мана шу ўзгартишлардан кейин лойиҳа комитетининг барча аъзоларига етиб борди, уларнинг таклифлари ҳисобга олингач, ишчи гуруҳида ҳуқуқшунос олимлар иштирокида кўриб чиқилди. Кейин янада пишиқтирилган нусхаси Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида атрофлича муҳокамадан ўтди.

Комитет Ўзбекистон ССР Прокуратураси билан ҳамкорликда яна бир қонун лойиҳасини тайёрлаб, сессия муҳокамасига киритди. Унда шахсий транспорт воситаларига тажовуз қилганлиги учун жазони кучайтиришга алоҳида урғу берилди.

— Олий Кенгаш сессиялари муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари асосан бизнинг комитетда тайёрланади, деган нотўғри тасаввур бор, — сўзини давом эттирди Э. Халилов. — Аслида ҳар бир тармоқ комитети, ҳукумат ва бошқа жамоат уюшмалари ҳам ўз ваколатлари доирасида қонунушунослик билан шуғулланадилар, Олий Кенгашга ўз таклифлари билан чиқа оладилар. Комитетимиз эса шу ҳужжат лойиҳаларининг ҳуқуқий шакли бўйича ўз хулосаларини берди. Маъно жиҳатига эътиборни қаратамиз, албатта.

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети сўнгги кунларда корхоналар тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган 700 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазани умумлаштириб, сарагини саралади. Лойиҳа Вазирлар маҳкамаси томонидан кўриб чиқиш учун комитетга тақдим этилганди. Айни пайтда ишчи гуруҳи бошқа бир муқобил лойиҳа ҳам олди. Уни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиққанди.

— Иккала лойиҳани атрофлича ўргандик, — дейди комитет раисининг ўринбосари Отахон Маҳмудов. — Иккаласи бирлаштирилиб, ягона лойиҳа тайёрланди. Уни ишчи гуруҳида муҳокама қилишга йирик корхоналар, бирлашмаларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислардан ўттиздан ортиқ киши таклиф этилди. Кейин Фарғона саноатчилари доирасида кенг фикр алмашув бўлди. Аслини олганда уни пишиқтиришда бутун республика фаол қатнашди. Кеча кечқурун сўнгги асосли таклифлар лойиҳага қўшимча равишда киритилиб, халқ депутатларига тарқатилди.

Ҳозирлик оилари ортда қолди. Бугун сессия мажлислари бошланади. Халқ депутатлари бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ, шунингдек республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор қонунлар туркумини муҳокама қилиб, узил-кесил фикрга келадилар.

С. МУҲИДДИНОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Халқ сўзи» махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА «НАВРЎЗ» УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эзозлаш мақсадида «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш юзасидан қуйидагилар амалга оширилсин:

1. Дам олиш куни сифатида белгиланган 21 мартда ўтказиладиган «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилсин. Бу байрамни ўтказишда 1990 йилда тўпланган ижобий тажрибаларни давом эттирган ҳолда тўла фойдаланилмаган имкониятлар ҳам ишга солинсин. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларида республиканинг ҳар бир фуқароси якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатсин.

2. «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитаси тасдиқласин.

3. Ҳар бир ташкилот, вазирликдан тортиб, Советлару маҳалла қўмиталаригача — ҳамма жойда байрамни ўтказиш ишларига жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилсин. Республика ҳудудидаги корхоналар, муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини тегишли транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, тўй-ҳашам ашёлари билан таъминласинлар ҳамда сарф-харажатларни ўз зиммаларига олсинлар. Умумхалқ хайрия ҳаракатларида фаол иштирок этсинлар. Фуқароларнинг, жамоаларнинг «Наврўз» умумхалқ байрамини ўтказишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватласинлар.

Байрам аҳолининг барча табақалари истак ва хоҳишларига, ҳар бир жойнинг ўз шароитларига қараб ўтказилсин.

4. «Наврўз» умумхалқ байрами анъаналарига биноан, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатилсин. Қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва боқувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатишга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси билан жамоат ташкилотлари, бадиий жамоалар ўтказадиган хайрия узлуксиз кўрсатуви — телемарафон ҳар томонлама қўллаб-қувватласин.

5. «Наврўз» байрамини ўтказиш борасида қўшни республикалар билан дўстлик, ҳамкорлик ва маданий алоқалар янада кучайтирилсин. Ўзаро вакиллар юбориш, меҳмон қабул қилиш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

6. Оммавий ахборот воситалари байрам ўтказиш жараёнларини кенг ёритсинлар. Бу ишда журналистларнинг масъулияти оширилсин.

Қайси йўналишдаги ахборот воситасида бўлишидан қатъий назар, «Наврўз» умумхалқ байрамини ёритиш ягона ғоя — инсонни улуғлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадларни ва ғоялари билан йўғрилсин.

7. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасига байрам тадбирларида ташаббускор бўлган, фаоллик кўрсатган, фидокорона меҳнат ва ижод қилган кишиларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш ва тақдирлашга тавсия этиш топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 февраль.

МАЖЛИС БЎЛИБ ЎТДИ

● 12 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида республика Олий Кенгаши комитетларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари, комитетларнинг аъзолари, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Мажлисда «Ер солиғи тўғрисида», «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳақида», «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, республика Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Бутров, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИГ МАОШЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Табиий, техника ва ижтимоий фанларнинг етакчи йўналишларига доир муҳим тадқиқотларни ривожлантиришни жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишлари ва олимлар меҳнати учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан:

1. 1991 йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасининг илмий ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт комитети, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги ва республика давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқа ташкилотлар раҳбар, илмий ва бошқа ходимларининг маосб маошлари 30 фоиз оширилсин.

2. Ана шу маосб маошлари давлат бюджетидан ажратиладиган ва илмий ташкилотлар қидириб топаётган маблағлар ҳисобига шартномавий ишларни кенгайтириш, ташкилий тузилмани такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар ҳисобига баравар улушда оширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Геология тармоғининг республика ҳудудида жойлашган корхоналари ва ташкилотларини бошқаришнинг самарали системасини вужудга келтириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқ хўжалигининг минерал хом ашёнинг қидириб топилган заҳираларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида «Узбекгеология» бош мувофиқлаштириш — Геология бошқармаси, «Краснохолмскгеология» геология ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкварцсамоцветы» экспедицияси ва Бутуниттифоқ норуда материаллар геологияси илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё тажриба-методика туркумининг тегишли бўлинмалари билан биргаликда улар негизида Ўзбекистон ССР геология ва минерал ресурслар давлат комитети ташкил этилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ўрмон хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, ўрмонларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва арларни тубдан яхшилаш соҳасидаги аҳамиятини ошириш, шунингдек, ўрмонзор ерлардан оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. «Узбеклес» иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ССР Ўрмон давлат комитетига айлантирилсин.

2. Вазирлар маҳкамаси (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) республика ўрмон хўжалиги самарадорлигини ошириш масалаларига доир қарор лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль.

САЙЛОВЧИЛАРГА НИМА ДЕЙМИЗ?

ҲАР БИР ДЕПУТАТ ЎЗИГА ЎЗИ АНА ШУ САВОЛ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар кенгашига ўтказилган сайлоларни иқтисодий яхши эслайди. Ушанда 90 та округнинг 39 тасидан кўрсатилган номзодларнинг бирорта ҳам дастлабки сайловда етарли овоз ололмади. Шаҳар аҳолисининг депутатларни сайлашга бўлган бу жиддий муносабатини тушуниш қийин эмас эди. Олдинги сайловлар уларнинг кўзини мошдек очиб қўйганди. Нимага сайланган, одамларга ҳеч қандай нафи тегмайдиган айрим депутатлар сайловчиларга қатто йиллаб кўринишмасди. Кўпчилик улардан безор бўлди. Шу боисдан ҳам бекободликлар энди ўзларн билган, округ ҳудудидаги муаммолар, камчиликлар билан яқиндан таниш бўлган, уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсата оладиган кишиларни депутатликка сайлаймиз, деб маҳкам турибдилар. Етарли овозга эга бўлмаган сайлов округларида номзодларни қайта рўйхатга олиш, такрорий сайловлар ўтказишга тўғри келди...

Хўш, сайловлардан сўнг нима ўзгарди? Ўтган аҳқт ичида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай янгиликлар рўй берди? Оз бўлса ҳам сайловчиларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқдими? Улардан тушган наказларнинг тақдири нима бўлди? Ана шу саволлар билан биз Бекобод шаҳар кенгашининг бир гуруҳ депутатларига юзландик.

— Шаҳар кенгаши депутатлигига сайланганимдан, халқ номидан иш кўриш ваколатига эга бўлганимдан чексиз мамнунман, — дейди Бекободдаги механизациялашган 15-кўчма колонна бошлиғи **Виктор ЦОЙ.** — Сайловдан сўнг қизғин тортишув ва мунозарага бой, беҳаловат кунлар энди ортда қолди, деб ўйлаган эдим. Янглишган эканман. Депутатлик унга сайланишдан ҳам мураккаб иш экан. Сайловчиларимиз бизга ҳозир умид билан кўз тикиб турншибди. Ҳар бир ҳаракатимизни синчиклаб кузатишмоқда. Ўзларининг кўп йиллик ниятларини, орзуларини рўёбга чиқаришимизни орзиқиб кутишмоқда. Талаб ва истакларни амалга ошириш, учрашувлар чоғида берилган топшириқларни бажариш учун бор имкониятимни ишга солаяпман. Сайловчиларнинг талабига мувофиқ шаҳарнинг Турғунбоева кўчасига ичимли сувни олиб келишга ёрдамлашдим. «Водоканал» трестининг 43-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси жамоаси бу ишда катта ёрдам берди.

Шаҳримизнинг бошқа жойларида бўлгани каби округимизда ҳам ечимини кечиктириб бўлмайдиган масалалар талайгина. Фурсатни бой бермай уларни ўз вақтида ҳал қилиш керак. Сайловолди учрашувларида Шахматчи қўрғонида яшовчи аҳолининг кўпчилиги бу ердаги олтита кўчани таъмирлаб, асфальт қилишда ёрдам кўрсатишимни сўраб мурожаат этди. Қишда лой, ёзда чанг бу йўллар йиллар давомида раҳбарларнинг нигоҳидан четда қолиб келаётган эди. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Қўрғон ҳудудидаги қаровсиз кўчалар таъмирланиб, текисланди.

— Ҳозир одамлар кўпгина раҳбарларга ишонмай қўйишган, — дейди суҳбатимизга қўшилган Куйбишев маҳалла комитети раиси **Марҳа ЭЛИВОЕВ.** — Шунинг учун ҳам ўзларининг муаммоларини, ҳаётий масалаларини ҳал этишда кўпроқ депутатларнинг кўмагига таянишмоқда. Улар билан биргаликда, бамаслаҳат иш олиб бориши лозим кўришмоқда. Шундай экан, сайловчиларимизни қизиқтирган барча масалаларда кўмак бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ошкоралик ва демократия шарофати билан унутилган удумларимиз яна қайта тикланаяпти. Маҳаллаларда бирдамлик, аҳиллик кучайиб бораяпти. Унинг ҳудудида қилинадиган ишлар кўлами ҳам бирмунча ортди. Яқин йилларгача қабристонларга эътибор кам эди. Маҳалла комитетларининг ташаббуси билан қабристонлар тартибга келтирилаяпти.

Ўзим маҳалла етакчиси бўлганим учун ҳам унинг ташвишлари ва муаммоларини яхши биламан. Маҳаллалардаги шарт-шароитларни яхшилаш зарур. Ўтган йили мулоқотлар чоғида сайловчилар 12-ўрта мактабда олти яшар ўқувчиларни ўқитиш учун қўшимча бино қурдиришда ёрдам кўрсатишимни илтимос қилишганди. Суриштириб кўрсам, бу жуда ҳам зарур. Шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бўлими масаланинг моҳиятини ўрганиб чиқиб, ишни ижобий ҳал этди. Ўқув бинонинг умумий қиймати 560 минг сўм бўлган лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Келгуси ўқув йилида бино кичкинтойларни ўз бағрига олади.

Бу ишлар дарёдан бир томчи, холос. Улар билан кифояланиб қолмасдан йирик масалаларга қўл уришимиз, шаҳар ҳаётининг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришлар юз беришига бош қўшишимиз керак.

— Маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган бу галги сайловлар шўроларда қайта қуриш юзага келаётганлигини кўрсатди, — дейди биз билан суҳбатда Бекобод шаҳар кенгаши раиси муовини **Даврон ҚОРИЕВ.** — Депутатлар икки баравар кам сайланди. Аммо бу депутатларнинг самарали фаолият кўрсатишларига таъсир этмади. Уларнинг ҳар бири сайловчилардан тушган наказларни бажариш учун алоҳида куч-ғайрат сарфламоқда. Яқин истиқболда 90 депутат 131 наказни бажариши керак. Бу наказларнинг ҳаммаси шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ хўжалигини юксалтириш, хизмат соҳасини яхшилаш билан боғлиқ энг муҳим ишларни ўз ичига олади. Шунисн қувончлики, бу топшириқларнинг ярми ҳозиргача бажариб бўлинди.

Кейинги пайтда шаҳар кенгаши депутатларга нисбатан талабчанликни кучайтирди. Доимий комиссиялар ҳаётий масалаларга эътиборни кўпроқ қарата бошлашди. Сессияларда депутатлар ҳисоботи эшитиб турилибди. Илгари сессиялар, йиғилишлар шаҳар кенгаши ва ижроия комитети маҳкамаси ходимларининг ҳокими мутлақлиги билан ўтарди. Энди уларнинг рақобатчиси бор. Депутатлар ҳам фойдали таклиф ва мулоҳазалар билан чиқмоқдалар.

Бу ишларни кузатиб ўзингга беихтиёр далда бергинг келади.

Демак, бекободликларнинг гапи ерда қолмайди. Уларни суяйдиган, яхши ишларга бош бўладиган депутатлари бор.

Рустамжон ЗУҲРИДДИН ўғли.

ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИДАН ЧЎЧИМАЙЛИК

СЕССИЯ кун тартибига қўйилган масалаларнинг аксарияти иқтисодиётга дахлдор. Уларни ҳал этишдан республикамизнинг барча меҳнаткашлари манфаат кўрадилар. Бу ўринда гап шахслардан олинадиган даромад солиғи, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати, тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги ва бошқа қатор қонунлар ҳақида кетаяпти. Бутунги кун бизнинг хоҳиш-иродамиздан қатъий назар, бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантиришнинг янги усулларини излашни тақозо этмоқда. Ушбу қонунлар турли масала ва муаммоларни ечиш йўлларини ойдинлаштиради.

Сессияда муҳокама қилинадиган жамоат бирлашмалари ҳақидаги қонун лойиҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ўринда гап турли сиёсий партиялар тузиш ҳақида бораётир. Бу борада биздан илгарилаб кетганлар ҳам бор, албатта. Аммо ўша иттифоқдош республикаларда юзага келган кўп партиялилик халққа нима бераяпти? Меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш, барқарорликни таъминлашга олиб келдими? Афсуски, йўқ. Бундан, мен кўп партиялиликка қаршиман деган хулоса чиқмаслиги керак. Бироқ назаримда биз сиёсий партиялар билан бошқа жамоат бирлашмалари ўртасидаги кескин фарқланишни тушунмаяпмиз. Ҳолбуки, бу ўринда жиддий тафовут бор. Сиёсий партия доимо ҳокимиятга интилади. Шу боисдан ҳам сиёсий партиялар ҳақидаги қонидани жамоат бирлашмалари ҳақидаги қонундан алоҳида кўриб чиқиш керак. Партия рўйхатдан ўтиши учун эса сиёсий руҳдаги аниқ программани тавсия этиши лозим.

МАНА, бир йил бўлдики, республика Олий ҳокимиятининг вакили сифатида иш олиб бораяпман. Бу орада ўзимни сайловчилар манфаати ҳимоячиси сифатида кашф этдим. Ростини айтганда, депутатлик бурчини бажариш осон эмас. Республикамизда маъмурий-буйруқбозлик усули яшовчанлигини кўрсатди. Сайловчиларнинг наказларини бажариш учун гоҳо идорамаидора юриб илтимос қилишга, сўраб-суриштиришга тўғри келади. Кўпинча эса ҳал этиш қийин бўлган масалаларда ёрдам беришни сўрашади. Колхозчилар уйларини газлаштириш, сув таъминотини яхшилаш, мактаблар ва касалхоналар қуриш ана шулар жумласидандир.

Очиғини айтсам, айрим наказларни бажариш ниҳоятда қийин кечаяпти. Бунинг сабаблари бор, албатта. Масалан, Пешку районидаги «Жонгелди» давлат наслчилик хўжалиги сайловчилари қишлоқни газлаштириш ҳақида наказ беришганди. Улар чўлда, оғир шароитда яшайдилар. Енилғи тақчил. Хўжаликнинг шундай ёнгинасидан Марказ газопроводи ўтади. Бир қарашда масалани ҳал этиш осондек. Ана шу газ тармоғига улансангиз бўлди, чорвадорларнинг оғири енгиллашади. Аммо бу айтишга осон. Хомчўт қилишларича, бундай махсус газ станцияси қуриш ўзини оқламас экан. Шу масалада жуда кўп идораларнинг эшигини тақиллатиб боришга тўғри келди. Аммо ҳозирча ижобий натижа йўқ. Нима қилиш керак? Хўжалик ишчилари газсиз қолаверадиларми? Вазиятдан чиқиш имконняти йўқми? Бор. Бундай ҳолларда ташиб келтириладиган газ учун катта сиғимларни лойиҳалаш лозим. Шунда бутун қишлоқни зангори олов билан таъминлаш мумкин.

Гоҳо депутатлар давлат режасига киритиб қўйилган наказларни бажариш учун ҳам елиб-югуришларига тўғри келаяпти. Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида Навоий номли ва Фрунзе номли жамоа хўжаликларида газлаштириш ишлари бошланиши керак эди. Аччиқ-чучук гаплардан кейингина Навоий номли жамоа хўжалигида бу ишга киришилди. Фрунзе номли жамоа хўжалигини газлаштириш шу йилнинг кузида бошланади. Сайловчиларга эса ўзингизни оқлаб ўтиришнинг кераги йўқ. Улар сиздан натижа кутишади.

МУРАККАБ шароитда яшаб турибмиз. Бундай вазиятда босиқлик билан иш тутишнинг аҳамияти катта. Республика ҳукумати воқеликка баҳо берар экан, жамиятнинг осойишталиги, барқарорлигини таъминлашдан келиб чиқмоқда. Бу нарса мамлакатимизнинг келажагини белгилаб берадиган референдум натижаларида ҳам акс этади, деб ўйлайман. Тўла якдилликка эришиш қийин бўлади. Ҳар хил фикр-мулоҳазалар айтилиши табиий. Аммо кўпчилик Иттифоқни сақлаб қолиш, тенг ҳуқуқли республикаларнинг янгиланган иттифоқида Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетига риоя қилиниши тарафдори бўлиб чиқади. Ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда ана шу бирликка эришиш орқалигина халқнинг турмуш фаровонлиги билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал қилиш мумкин.

С. ЗИНИН, филология фанлари номзоди

ДЕПУТАТГА УЧ САВОЛ

«Халқ сўзи» рўзномаси муҳарририяти сессия олдидан бир гуруҳ депутатларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

1. Сессиядан нимани кутаяпсиз?

2. Депутатлик фаолиятингиздан қониқаяпсизми?

3. Республикамизнинг эртанги куни Иттифоқ шартномаси билан бевосита боғлиқ. Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

Қуйида саволларга берилган жавобларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ЧАЛА МУСТАҚИЛЛИК КЕРАКМАС

ҲАР бир сессиянинг (фақат навбатдан ташқари ўтказилаётган бу мажлисларнинггина эмас), ўз олдига қўйган вазифалари халқ фаровонлигини ошириш, унинг турмуш даражасини кўтариш, тинчлигини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Биз, депутатлар ҳам бутун сессия давомида ақлзаковатимизни, фикр-мулоҳазаларимизни шунга қаратишимиз даркор. Лекин бунинг учун сессияга аниқ фикр, нуқтаи назар билан келишимиз шарт. Аниқ фикр билан келишимиз учун эса аввало муҳокамага қўйилган масалалар бўйича тайёрланган материаллар лойиҳаси сессия мажлислари очилишидан камида 3—4 кун бурун қўлимизга тегиши лозим. Афсусларки, мен 12 февраль кунн пешингача ҳам кўриладиган ўнта масаланинг олтитаси бўйича ҳеч қандай материал олганим йўқ. Шу боис ҳозир аниқ фикр айтишга қийналаман.

Бироқ навбатдан ташқари тўртинчи сессиянинг чақирилиши ва унда кўриладиган масалалар шундайки, улар халқ фаровонлигини ошириш, турмушда осойишталикни таъминлашга қаратилган. Нарх-наводан тортиб, корхоналар ҳақидаги масалагача ишлаб чиқаришнинг ўзида бевосита қатнашувчи кишиларгагина тегишли бўлмай, ҳар бир фуқаро турмушига, тақдирига тааллуқлидир.

Кундалик ҳаётимизда безовталикни кучайтираётган воқеалардан бири хусусий енгил машиналарни ўғирлашдир. Шу жиҳатдан бу масаланинг бугун иш бошлаётган сессия кун тартибига киритилишини табриклаймоқчиман. Корхоналар солиғи тўғрисидаги масала ҳам - долзарб. Ишлаб чиқарнш даражасининг ўсиши ана шу солиққа бевосита боғлиқ.

ХАЛҚ дарди, халқ алами, халқ ўз депутати олдига қўяётган талаблар асосан кундалик ҳаёт муаммоларидр. Ўзим бирор таклиф, илтимос, талаб билан келган сайловчиларимни ҳеч маҳал ноумид қайтармайман. Улар қўйган масала ҳал қилиниши керак, деб ҳисоблайман.

Тошкент шаҳрининг 9-Ойбек округида тўққиз маҳалла бор. Уларда ўзига яраша муаммолар ҳам кўп. Ўзбеклар камтар, бағри кенг, сабр-бардошли, андишали халқ. Етилган масалани ҳам минг бир мулоҳаза билан тилга олади. Лекин биз бу фазилатни асло суиистеъмол қилишимиз керак эмас. Қайта қуриш шарофати билан маҳаллалар эҳтиёжига аҳамият кучайди. Тошкент шаҳри ва республика ҳукумати бу борада изчиллик, собитқадамлик кўрсатишаяпти. Шу туфайли маҳаллалар аҳли фаоллашиб, дадиллашиб қолди. Киров районидаги 1-Карл Маркс маҳалласида учрашув чоғида сайловчилар бир гапни айтишди. Бу ернинг кўчаларига симёғочлар ўрнатилганича иш чала қолиб кетган экан. Кўчалардаги қоронғилик кўпгина чигалликларга сабаб бўлаётганди. Шаҳар ёритиш тармоқлари идораси бу муаммони тез кунда бартараф этди.

Ёки мана бу мисолни олинг. Иккинчи Кисловодск маҳалласидаги Фёдоров кўчасида 150 метр ораликдаги хонадонлар канализацня тармоғига уланмай қолган экан. Наҳотки шунга ҳам Ўзбекистон ССР халқ депутати аралашишига тўғри келди, дейсизми? Ҳа, аралашдик ва ҳал бўлди.

Бироз мураккаброқ бошқа бир масалани кўплашиб бартараф этмоқдамиз. Буни қарангки, биринчи ва иккинчи Кисловодск, Жомий, Туркқўргон маҳаллаларига хизмат кўрсатадиган болалар поликлиникаси йўқ эди. Одамлар Юнусободдаги марказлашган поликлиникага қатнар эдилар. Йўл тескари, боз устига бу жойлар транспорт маршрутидан четда. Аҳоли талабига кўра шу орада поликлиника очиш масаласини қўйдик. Лекин бу маҳаллаларда қурилиш учун бирор бўш жой топилмади. Яна аҳолининг ўзи ёрдамга келди — мақбул таклифни айтди: Гвардиячи полковник Хўжаев кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш биноси поликлиника учун берилса-чи? Бу ғоят мақбул бўлиб чиқди. Ҳозир шу бино болалар поликлиникаси учун мослаштирилди.

Ёмон бир тамойилнн қаранг: кўпқаватли уйлар қурилавериб, кўпгина ҳаммомлар ҳам бузилиб кетди. Лекин уларга эҳтиёж қолдику. Шу муносабат билан Киров район ижроия комитетига депутатлик сўрови билан мурожаат қилдим. Ҳозир Аҳмад Дониш ва Абдуллаев кўчалари кесишган жойда янги ҳаммом қурилиши режалаштирилаяпти.

Яқинда яна бир хайрли ишни бошладик. Телеминора атрофида икки гектарча ташландиқ жой бор эдн. Киров, Куйбишев районлари раҳбарлари билан ўша жойда учрашдик. Спорт иншоотини шу ерда қуришни маслаҳатлашднк. Шаҳар меъморчилнк бошқармаси масалани ижобий ҳал қилиш имкониятларини аниқлаяпти.

ЯНГИЛАНГАН Иттифоқ шартномасиннг лойиҳаси бугун бизга маълум бўлганида узил-кесил бир сўз айтиш мумкин эди. Афсуски, шартнома ҳозир йўқ. Биз Ўзбекистоннинг тўла мустақиллигисиз ҳеч қачон пировард мақсадга эриша олмаймиз. Табиий бойликлар, ер-сувдан фақат мустақиллик шароитидагина оқилона фойдалана оламиз. Ер остн бойликларимиз марказ тасарруфида қолар экан, улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмайди. Чуннки бу неъматлар уларга сув текин. Шулар республикамизнинг ўз тасарруфига олинниб, қайта ишланса, нур устига аъло нур бўларди, ҳар миқолидан тўғри фойдаланиларди. Мустақилликнинг асосий қирраларидан бири мана шу.

Яна бир жумбоқ. Маълумки, республика Президенти нон ва бошқа ун маҳсулотлари нархи кўтарилмаслигига кафолат берди. Бу олижаноблик, албатта. Биз бунга ишонамиз. Аммо бошқа бир жиҳати бор: агар қўшни жумҳуриятларда уларнинг баҳосинн кўтаришса-чи? Нима, биз Ўзбекистонни «Хитой девори» билан ўраб ҳимоялана оламизми? Бозорларда ҳўл-қуруқ мевалар, сабзавотлар баҳоси уч-тўрт маротаба ошиб кетаётгани шу ҳақиқий мустақилликнинг, республикалар орасидаги муносабатларни ҳал қилувчи шартномаларнинг йўқлигидан эмасми? Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар хнл йўл билан ташиб кетилишига чек қўя олмаяпмиз-ку. Республикалар ўртасида иқтисодий алоқалар сақлаб қолиниши керак. Аммо бу тенг, баробар, ўзаро нафли бўлсин.

СССР Президентининг фармонига биноан ташқи савдодан тушган валютанинг қирқ фоизи марказ тасарруфида қолдирилади. Буни корхоналар ва бошқа ташкилотларнннг ташқи савдони ривожлантиришига тўсиқ деб ҳисоблайман. Бу ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозирлик!

Бундан ташқари иттифоқ тўланадиган солиқ қатъий, бутун йил учун аниқ белгилаб қўйилиши керак. Шунда узлуксиз ривожланишдан олинган жамғарма республика манфаатига, халқнинг фаровонлигига хизмат қилади.

А. ҒУЛОММАҲМУДОВ, техника фанлари номзоди

Ҳокимият—шўроларга: тажриба, таклиф, мулоҳаза

ВАКОЛАТ ЕТАРЛИМИ?

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳадаги танг аҳвол, қайта қуриш жараёнининг ғоят мураккаб ва зиддиятли кечаётгани республикамиз давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ваколатларини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кенгайтиришни, умуман Ўзбекистоннинг амалдаги чинакам мустақиллигини таъминлашни тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг учинчи сессиясида бир қатор ҳаётий қонунларнинг қабул қилиниши республикада кучли ҳокимият сари қўйилган янги қадам бўлди.

Айни пайтда республика Конституциясига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ президентлик ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб қўйилдики, бу давлат бошқарув маҳкамаларининг янгича ягона тартибини вужудга келтирди.

Халқ депутатлари вилоят ва район кенгашлари ижроия комитетлари раислларининг тегишли кенгаш раисининг биринчи ўринбосари бўлишлари, кенгашлар ва уларнинг ижроия комитетлари учун ягона ишчи маҳкамаси тузилиши, вилоятга (вилоят марказлари бундан мустасно), районга бўйсунувчи шаҳарлар, қишлоқ ва посёлка кенгашлари даражасида кенгаш раиси билан комитет раислигн лавозиминнинг бир кишига топширилиши тўғрисидаги қонидалар депутатлар билан ижрочи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга, самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида ўтказилаётган мулоқотлар шуни кўрсатмоқдаки, республика раҳбарияти олиб бораётган йўлни мутлақ кўпчилик қўллаб-қувватлаётир. Одамлар Ўзбекистон ССР Президентининг кейинги пайтларда чиқарган қатор фармоилари мисолида қайта қуриш сиёсатининг туб маъноси нимадан иборат эканлигини ҳис этмоқдалар, юртимизнинг эртаги куни ва келажаги порлоқ бўлишига ишонч билдирмоқдалар. Улар бунинг асосий омили сифатида ишлаб чиқаришда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам қатъий тартиб-интизомни, халқнинг тинчлигини таъминлашга қодир, айни пайтда ошкоралик ва демократия иқтоби остида вазиятни кескинлаштируючи сафсатабоз кучларга зарба бера оладиган ҳокимият тарафдори эканликларини баралла айтмоқдалар. Жумҳуриятимиз бошида ана шундай собит давлат ҳокимияти турибди, десак хато қилмаган бўламиз. Бунинг мисоли сифатида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ўтган сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг жумҳурият аҳолисига, СССР Олий Кенгашига мурожаатномаси»ни келтириш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, сессия минберидан туриб айтилган ҳақиқат тўла сўзлар халқнинг эзгу ниятларига мос тушди.

СССР халқ депутатларининг IV съездида қабул қилинган «Давлат бошқарув системаси такомиллаштирилиши муносабати билан СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги СССР қонуни ҳам бу борада Ўзбекистонда қўйилган қадамнинг нақадар тўғри эканлигини яққол кўрсатди.

Жумҳуриятимиз олдида турган улкан ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда маҳаллий ҳокимиятнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Зеро, у халқ сайлаб қўядиган ҳокимият сифатида тегишли ҳудудда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг учинчи сессиясида «Ўзбекистон ССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қайта таҳрирга қайтарилди. Бу маҳаллий ҳокимият фаолиятининг ҳуқуқий, моддий-молиявий асосларини пухтароқ белгилаб бериш мақсадида қилинди. Қонун лойиҳасининг асосий афзаллиги шундаки, унда маҳаллий ҳокимиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ваколатлари анча кенгайтирилган, янги қоидалар билан тўлдирилган.

Айни пайтда ўз қарашларимнинг қатъийлигига даъво қилмаган ҳолда, шўролар қурилиши бўйича мутахассис ва амалиётчи сифатида қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Аввало қонун «Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисида» деб номланса тўғрироқ бўларди. Бинобарин, қайта қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб жараёнида ҳар бир кенгаш ўзини ўзи бошқарув тартибига ўтказилиши ҳамда мустақил фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман. «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қонун «маҳаллий кенгашларнинг ижроия комитетлари ҳам ўзларини сайлаган кенгашга ҳамда юқори ижроия ва бошқарув органига, шунингдек, Ўзбекистон ССР Президентига бевосита ҳисоб берадилар» деган қонда кенгашларнинг қўйидан юқорига қараб боғланиш тартибини ҳуқуқий белгилаб қўйган. Барча бўғиндаги кенгашларнинг ўзини ўзи бошқариш тартибига ўтишлари учун қуқуқий асос ҳам, моддий-молиявий асос ҳам етарли эмас. Айни пайтда бу узоқ давом этадиган жараён ҳисобланиб, марказдан туриб бошқариш, юқори ва қуйи кенгаш деган тушунчалар йўқ бўлган бошқаруага мос келади. Фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти тартибини ўзини ўзи бошқариш тартибига аралаштирмаган маъқул. Халқнинг ўзини ўзи бошқарувчи жамоат ташкилотларига келадиган бўлсак, у ҳолда уларнинг тузилиши ва ваколатлари ҳақида алоҳида ҳужжат қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий кенгашларнинг тузилиши ва маълум ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги ваколатлари ҳар бир бўғин учун аниқ белгилаб берилиши зарур. Лойиҳада эса турли даражадаги маҳаллий кенгашларнинг ваколатларини белгиловчи қоидалар баъзи ҳолларда умумий тарзда ёзилган. Айни пайтда турли бўғиндаги кенгашлар ўзаро келишган ҳолда, шартнома асосида айрим ваколатларини тақсимлаб олишлари мумкинлиги таъкидланган. Бундай шартнома, табиийки, ҳар икки кенгаш ўртасида ҳокимият учун курашни келтириб чиқаради. Ҳозиргача амал қилиб келган вилоят, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлкани кенгашлари ҳақидаги қонунларда улардан ҳар бирининг ваколатлари ҳар ҳолда аниқроқ ёзилган эди. Бизнингча, кенгашларнинг ваколатлари, олдинги қонунлардаги қоидаларни такомиллаштирган ва бойитган ҳолда ҳар бир бўғин учун аниқ баён этилса, яхши бўларди. Масалага бундай ёндашув қонунинг ижрочисига қайси кенгаш ўз ҳудудида нимага масъул эканлигини кўрсатиб беради, уни ҳаётга тадбиқ этиш механизми ҳам шундан келиб чиқади.

Эндиги сўз ҳокимият маҳаллий органларининг янги таркиби ҳисобланмиш кенгашнинг раёсатлари билан ижроия комитетлари ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида. Маълумки, раёсатларни тузишдан мақсад халқ депутатлари фаолиятини янада яхши уюштириш бўйича муайян бир ташкилий марказга эга бўлишдан иборатдир.

Бизнингча, қонун лойиҳасида раёсат билан ижроком ваколатлари қатъий чегараланган бўлиши керак. Ҳеч кимга сир эмас: раёсатлар томонидан халқ депутатларидан ташкил топган орган сифатида барча соҳалар бўйича қарорлар қабул қилишга интилишлар кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида ижрочи органлар вазифаларини алмаштиришга олиб келмоқда.

Маҳаллий ҳокимиятнинг энг қуйи бўғини ҳисобланмиш қишлоқ ва посёлка кенгашларининг таркиби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Юқорида биз бу кенгашларнинг сессияларини ҳар ойда бир марта чақириш таклифини киритдик. Агар шу қоидага амал қилинадиган бўлса, сессияларда дарҳол қишлоқ ва посёлкани ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш муаммолари муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинса, бу бўғиндаги кенгашлар ижроия комитетларига зарурат қолмайди. Асосий масъулиятни кенгаш доимий комиссиялари бемалол ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Маълумки, СССРнинг 1936 йилги Конституциясига қадар амал қилган қонунчиликда қишлоқ кенгашларида ижроия комитетлар тузиш кўзда тутилмаган. Айни пайтда бу бўғинда ижроия комитет институтидан воз кечилиши В. И. Ленининг кенгаш ўзи қарор қабул қилади, ўзи унинг бажарилишини ташкил этади, ўзи унинг ижросини назорат қилади, деган кўрсатмасига ҳам мос келган бўлур эди. Бинобарин, қишлоқ ва посёлка ҳудудларидаги корхона, ташкилот ва муассасалар кенгаш қарорини бевосита ҳаётга жорий этувчи ижрочилар ҳисобланадилар.

Ижроия ва бошқарув ҳокимиятини такомиллаштириш тўғрисида қабул қилинган қонунга халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Президентининг тегишли кенгаш раиси билан келишилган тавсиясига кўра мазкур кенгашнинг сессиясида тайинланади, деган янги модда киритилган. Ана шундан келиб чиқиб маҳаллий кенгашлар тўғрисидаги қонун лойиҳасига халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашининг раиси Ўзбекистон ССР Президентининг тегишли ҳудудидаги вакили ҳисобланади ҳамда унинг тавсиясига биноан мазкур кенгашнинг сессиясида сайланади, деган қоидани киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, қуйи кенгашлар ва уларнинг ижроия комитетлари раислигига номзодларни тавсия этишнинг қуйидаги тартибини таклиф этаман: а) халқ депутатлари вилоят маркази ҳисобланган шаҳар, район кенгашларининг раислари вилоят кенгашининг раиси тавсиясига биноан тегишли кенгашнинг сессиясида сайланади. Ижроия комитетлар раислари вилоят кенгаши раисининг тавсиясига биноан тегишли кенгаш раиси билан келишувга кўра мазкур кенгашнинг сессиясида тайинланади; б) вилоятга бўйсунувчи шаҳар кенгашларининг раислари вилоят кенгаши раисининг тавсиясига биноан тегишли кенгаш сессиясида сайланади; в) районга бўйсунувчи шаҳар, посёлка ва қишлоқ кенгашларининг раислари район кенгаши раисининг тавсиясига биноан тегишли кенгашнинг сессиясида сайланади.

Бизнингча, мазкур қоидаларнинг қонунлаштирилиши маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, улар раҳбарлигига обрўли, билимдон, уддабурон кадрларни депутатлар ва жамоатчилик билан маслаҳатлашган ҳолда таъсия этиш имконини яратади.

Кенгашларнинг мавқеини ошириш ҳамда фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати томонидан ҳар кварталда бир марта «Ахборот бюллетени» чоп этилади. Бу нашрининг даврийлиги ва ҳажми республика кенгашларининг кўп қиррали фаолиятини тўлақонли ёрита олмайди. Бизнингча, унинг ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг нашри сифатида «Ўзбекистон халқ депутатлари кенгашлари» номи билан ойнома чиқариш пайти келди. У Шўролар қурилиши назарияси ва амалиёти билан боғлиқ долзарб муаммоларни ёритишга, маҳаллий кенгашлар, уларнинг ижрочи органлари, доимий комиссиялар ҳамда депутатларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштиришга даъват этувчи нашр бўлур эди.

Рустамжон СИДДИҚОВ, халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Ҳозир республика халқ хўжалиги ишлаб чиқарищи тараққиётини замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютерларсиз тасаввур этнш қийин. Ана шу маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёжни қондриш йўлида Тошкентдаги «Зенит» заводи ишчи-хизматчилари баҳоли қудрат хизмат қилмоқдалар.

СУРАТДА: 4-цех созловчилар бригадасининг бошлнғи Фатхулла Файзуллаев.

Ёркин БОТИР олган сурат.

Балодан ҳазар

АСТАФЬЕВНИНГ «ҚАРИЧИ»

Во дарнг, дунё ташвиши каттаю кичиннинг елкасига баравар тушиб қолган экан-да, а! Мендан олдинроқда пилдираб бораётган икки болакайнинг суҳбатига беихтиёр қулоқ тутдим. «Арабистондаги уруш кучайиб кетса, дунёда одам қолмасмиш» деди уларнинг бири. «Бизникилар ҳам шу жойга урушга боришмоқчи экан, дадам айтдилар» жавоб қайтарди иккинчиси. Ҳамманинг юрагнни хавотирлнк, ҳатто ваҳима ғижимлаб турган бир пайтда уруш оловида нсинишни хоҳловчилар ўз ораниздан топилиб қолганига нима дейсиз? Мен бу ҳақда гапирмоқчи ҳам, ёзмоқчи ҳам эмасднм. Болакайларнинг ташвишли суҳбатини эшитгач, жнм турншга ҳаққим йўқлигини тушундим. Чнндан ҳам Астафьев сингариларга ўз вақтида жавоб бериш керак экан. Бу кнши ким ўзи?

«Известия» газетасининг 1991 йил 28 январь сонида «Саудия Арабистонига кўнгиллилар юборилдими?» («Будут ли направляться добровольцы в Саудовскую Аравию?») сарлавҳали мақолада жуда жиддий ва ташвишли масала қўйилибдн. Собиқ «афғончн», катта лейтенант М. Астафьев (афсуски, бу «ташаббускор»нинг қаерда яшаши айтилмабди) юқоридаги савол билан «Известия» рўзномаси таҳририятига мурожаат қилибди. Унинг фикрича, агар йўл-йўриқ кўрсатилса ва рухсат берилса, ўзига ўхшаш саддамчиларга қарши курашувчи кўнгиллилар бизнинг мамлакатда кўплаб топилар эмиш. У эса шу маз-мундагн ташаббусни кимга айтиш ва қаерда кўтаришни билмай юрганмиш.

Мақолани ўқидиму бошимга гурзи тушгандек бўлди. Қаранг, Астафьевнинг «қаричи» шу қадар калта эканки, кўнгиллиларга ҳакамлик қилмоқчи. Ёки у уруш гирдоби яна ҳам кенгайиши учун атайлаб шумлик қилаяптими? Умуман, Афғонистонда ҳам қоп қўяман деб кўз чиқарганлар Астафьевга ўхшаш ҳовлиқмалар эканлиги энди барчага аён бўлаяпти. «Юринглар, саддамчиларнн аямай ўлдирамиз» деб кўкрагига ураётган М. Астафьевга эргашиб кетаверадиган анқовлар наҳотки орамизда топилса?! Балки бу «довюрак»нинг фарзанди йўқдир? Балкн у урушдан урушга кўчиб юришдан манфаатдордир? Бу томонларини билмадиму, бизнинг жажжи ва ширин ўғил-қизалоқларимиз бор, Астафьев! Биз урушни эмас, тинч меҳнат қилишни, авлодларимизнинг келгусида осуда ҳаёт кечиришларини истаймиз. Сиз ҳам жангариликни касб этиб олмай, одамларга ўхшаб ҳалол меҳнат қилишга, бузғунчиликка эмас, бунёдкорликка интилсангиз ёмон бўлмасди.

Асад АСИЛ, ёзувчн.

МАҲСУЛОТНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

Бурғулашнй автоматик оптималлаштириш станциялари учун мўлжалланган блок-моделлар нефть ва газни ортиқча исрофгарчиликсиз қазиб олишда ёрдам беради. «Бурғулаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Андижон махсус лойиҳалаш-конструкторлик бюросининг тажриба заводида ана шундай ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу ерда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Масалан, уч программали овоз кучайтиргич ва электр исннтич ана шундай моллар жумласиндандир. Заводнинг янги маҳсулоти — «Жигули» ва «Москвич» автомобилларнинг двигателларини А-76 маркали бензинда ишлашга ўтказиш учун мўлжалланган мослама шахсий машиналар эгаларига маъқул бўлди.

Бу йилги режаларда нефть ва газ қазиб олишда фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотларнинг янги турларини, шунингдек якка тартибда уй қураётганлар учун эшик ва ромлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

ФАРМОНУ ҚАРОРЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЯПТИ?

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида

Вазирлар маҳкамаси 7 февралда қишлоқ аҳолиси шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш масалалари юзасидан Президент чиқарган фармонлар ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорлари қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди. Таъкидлаб ўтилдики, қисқа муддат ичида 1,5 миллион оилага ер ажратиб берилди, шу оилаларнинг деярли ҳар учтасидан бирининг аввал томорқаси йўқ эди. Жамоат секторидан якка тартибдаги хўжаликлар учун 183,2 минг гектар ер ажратилди. Йил бошига келиб томорқа фонди майдонлари 408 минг гектардан ошиб кетди, қарор қабул қилингунга қадар бу кўрсаткич 225 минг гектар эди. Томорқанинг ўртача ҳажми 0,12 гектардан 0,17 гектарга, Жиззах ва Хоразм вилоятларида эса 0,23 гектарга етди.

Ер ажратиб берилиши билан якка тартибда уй-жой қуриш суръатлари анча ошди, 1990 йилдагина деярли 6,5 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Қорақалпоғистон АССР ҳамда Бухородан ташқари барча вилоятлар режани уддаладилар.

Фармон қабул қилинганидан сўнг аҳолига 61,5 минг бош бузоқ, 384 минг бош қўй ва эчки, кўп миқдорда чўчқа боласи ва жўжа сотилди. 1990 йилда умуман аҳоли шахсий хўжаликларидаги қорамоллар сони 282 минг бош кўпайиб, 2,7 миллион бошга ёки республикадаги қорамоллар умумий сонининг 61 фоизига етди. Сигирлар 130 минг бош кўпайди ва 1,3 миллион бошга етди, бу эса барча сигирларнинг 75 фоизини ташкил этади.

Шахсий чорва молларни ем-хашак билан таъминлаш яхшиланди. 1990 йилда жамоат ишлаб чиқаришида етиштирилган деярли 1,4 миллион тонна турли озуқа аҳолига сотилди, давлат ресурсларидан 380 минг тонна омихта ем, 75 минг тонна чигит пўстлоғи, 64 минг тонна кунжара ажратилди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ҳисобига қисқа муддатда 600 минг киши меҳнат фаолиятига жалб этилганлиги ҳам муҳим ижтимоий ютуқдир. Ўтган йили шахсий хўжаликларда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 300 миллион сўмлик кўпайди, озиқ-овқат ва чорва маҳсулотлари етиштириш ошди. Ҳозир қатъий айтиш мумкинки, илгари кўзда тутилганидек, Ўзбекистон ССР Президенти фармонларини амалга ошириш қишлоқда йиллар давомида тўпланиб келган ижтимоий кескинликни анча камайтиришга имкон берди.

Шу билан бир вақтда маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, вазирликлар ва идоралар, жамоа ва давлат хўжаликлари шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг аҳамияти ва ўрнини тўла тушуниб етмаётганликларини, расмиятчилик ва тартибсизлик юз бераётганини, ер участкалари ажратиш чоғида ижтимоий адолатга риоя қилинмаётганини кўрсатувчи кўпгина мисоллар бор. Мавжуд томорқа фондини рўйхатга олмай туриб ер ажратиб берилмоқда, аризаларни кўриб чиқиш кечиктирилмоқда, ерга муҳтож қишлоқ аҳли ўрнига кўп ҳолларда хўжаликлар ҳудудида яшамайдиган шахсларга ер ажратиб берилмоқда. Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида худди шундай бўляпти. Масалан, Паркент районидаги Энгельс номли давлат хўжалигида 1990 йил давомида 100 дан ортиқ ариза кўриб чиқилмади. Фаолияти ва истиқомат жойи шу хўжалик билан боғлиқ бўлмаган шахсларга ер ажратиб бериш фактлари оз эмас. Бунар асосан савдо соҳасидаги ходимлар, маъмурий идораларнинг ходимлари, турли ташкилотларнинг раҳбарларидир.

Халқ депутатлари маҳаллий советларининг ажратилган томорқадан фойдаланишга доир ташкилотчилик ишлари сустлигини ҳам жиддий камчилик деб ҳисобламоқ керак, бунинг натижасида ресурслар чекланган бўлишига қарамай, каттакатта суғориладиган майдонлар сунъий равишда қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолмоқда. Ўтган йили шахсий ёрдамчи хўжаликларда 5 минг гектардан ортиқ, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда 1,1 минг гектар, Жиззах вилоятида 1,8 минг гектар, Самарқанд районида 189 гектар, Қарши районида 269 гектар ердан фойдаланилмади.

Аҳолига озуқа сотиш ишини яхшилаш талаб қилинади. Ўтган йили республикада умуман вазият қулай бўлишига қарамай, Қорақалпоғистон АССРда ширали озуқа сотиш топшириғи 39,5 фоиз, Бухоро вилоятида 25,4 фоиз, Тошкент вилоятида 13 фоиз бажарилди. Қораўзак, Бухоро, Косон, Ангор, Ёзёвон районларининг хўжаликлари аҳолига топшириқнинг 35—50 фоизи миқдорида пичан сотди. Вилоят ижроия комитетлари назорат қилмаслиги, матлубот кооперацияси системаси ходимларининг сусткашлиги оқибатида ўтган йили аҳолига сотиш учун ажратилган омихта ем, кунжара ва чигит пўстлоғининг бир қисми сотилмай қолди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги идоралари аҳолининг чорва моллари ва парранда ҳисобига ем-хашак етиштириш ишларини суст олиб бормоқда, Ўзбекбирлашув эса ем сотадиган қўшимча савдо дўконлари очиш ишларини дуруст бажармаяпти. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими билан «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги» концерни кичик механизация воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш масалаларини жуда секин ҳал этмоқда.

Вазирлар маҳкамаси ушбу масалани муҳокама қилиб, Қорақалпоғистон АССР ва Вазирлар Кенгашидан, вилоят ижроия комитетларидан, республика вазирликлари ҳамда идораларидан мазкур камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўришни, муҳтож аҳолига ер ажратиб бериш ишини кучайтиришни, зарур бўлган ҳолларда ушбу вазифани ҳал этиш учун айрим жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларини тугатиш ёки бирлаштиришни тажриба қилиб кўришни талаб қилди.

Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 11 январдаги «Шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетларига ер ажратиб бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш чоғида ижтимоий адолат қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, қишлоқ ва овул советларининг ташкилотчилик ишларини шахсий томорқа хўжаликлари самарадорлигини оширишга, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга улар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга қаратиш таклиф этилди.

Далада ем-хашак етиштириб озуқа базасини мустаҳкамлаш структурасини яхшилашга ёрдам берадиган тадбирлар мажмуини амалга ошириш, экиш ишлари режасини тузиш чоғида фақат жамоат чорва молларининггина эмас, шахсий хўжаликлардаги чорва молларнинг ҳам ем-хашакка эҳтиёжини таъминлашни ҳисобга олиб, озуқа экинларини экишни режалаштириш лозим. Жамоат хўжаликларида ва давлат хўжаликларида емхашак етиштиришни алоҳида тармоқ қилиб ажратиш, ҳар гектар ердан олинадиган озуқа бирлигини 8—10 тоннага етказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигига, «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги» концернига: аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини самарали юритиш, қишлоқ хўжалик экинларининг интенсив тусдаги янги навлари ва дурагайларини яратиш масалалари юзасидан тадқиқотларни кучайтириш; табиат-иқлим шароитига ва аҳолининг кўникмаларига қараб шахсий ёрдамчи хўжаликларни ихтисослаштириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш; тажрибаконструкторлик ишланмаларини жадаллаштириш ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини рўёбга чиқариш, ана шу мақсадлар учун зарур моддий-техникавий ва молиявий ресурсларни ажратиш топширилди.

Вазирлар маҳкамаси шуни алоҳида таъкидладики, қишлоқ аҳолси шахсий томорқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вақтинчалик кампания эмас, балки аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган бош йўлдир. Бу барча вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши ва вилоят ижроия комитетлари, район, қишлоқ ва овул советлари, республика жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари мунтазам шуғулланиши лозим бўлган катта ишнинг бошланишидир.

Сержило атлас либос ўзбекнинг қайси қизига ярашмайди дейсиз? Косонсойдаги «СССР 50 йиллиги» шойи тўқиш фабрикасида бултур бурноғи йилга нисбатан ана шундай газлама ишлаб чиқариш ҳажми 11,6 фоиз ўсди, режа эса 107,3 фоиз уддаланди. Бунда Холидахон Холмирзаева, Рисолатхон Тошпўлатова ва Салимахон Пўлатова каби илғор тўқувчиларнинг ҳиссаси катта. Улар жорий йилда ҳам кунлик топшириқни ошириб бажармоқдалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

МАКТУБЛАРДА ЭЛ ОВОЗИ

ФЕВРАЛЬ ОЙИНИНГ БИРИНЧИ ҲАФТАСИДА 618 ТА ХАТ ОЛДИК

МИРЗАТЕРАК ЭКАЙЛИК

Биз, фарғоналикларнинг яхши одатларимиз кўп. Жумладан, ўғил туғилса, ота-оналари шу фарзандга атаб 100 тупгача мирзатерак ниҳолини экишарди. Ўғил вояга етгунча ниҳоллар улкан дарахт бўларди. Ҳовлида уй қуриларди. Бу уйга келин келар эди. Шу тариқа қурилган уйлар ҳанузгача бор. Фарғоналиклар бу одатларини йўқотганлари йўқ. Мана, кўчат экиб, элимизни боғу бўстонларга айлантириш вақти ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Менимча, мевали дарахт ниҳоллари билан бир қаторда мирзатерак ва толлар экилса, жой топилади. Токайгача олма пиш — оғзимга туш қабилида иш тутиб Россиядан ёғоч ва тахта келар экан, деб қурилишларимизни орқага сурамиз? Бунинг ўрнига ички имкониятимиздан тўла фойдалансак, гишт заводлари қурсак, кам ёғоч ишлатиб, кўпроқ гишт билан битадиган иморатлар қурсак, айни муддао бўларди. Тол соя берса, терак хода берур.

Маҳаммаджон ВАЛИ.

Тошкент шаҳри.

ГАПНИНГ ДАНГАЛИ

Халқимизнинг салкам ярми қашшоқ яшаётган бир пайтда кўплаб сиёсатдонлар пайдо бўлишмоқда. Ўзига тўқ, маоши турмуши учун ошиб-тошиб етадиган, қашаматли уйлари, дала ҳовлилари, енгил автомашиналари бор бу тоифа кишилар марказий, жумҳурият рўзномаларида, журналларида оғизларига келган фикру мулоҳазаларини эълон қилиб, кўпчиликнинг ongini чалғитишмоқда. Ҳолбуки, тўққиз миллион ўзбекистонлик камбағалнинг аҳволини енгиллаштириш учун бирон-бир фойдали иш қилмаётган ўша кимсалар ўзларини «халқ тарафдорлари» деб атамоқдалар.

Менимча, авваломбор халқимиз фаровонлигини ошириш учун кўп иш қилиш керак. Ўша тўққиз миллионнинг фарзандларига мактаб, болалар боғчаси, касалхоналар, кийим-кечак, ўйинчоқлар, озиқ-овқат мўл-кўллигини таъмин этиш зарур. Ўша оилаларнинг маошларини ошириш, уй-жойлар билан таъминлаш, газ, тоза сув, соф ҳаво, мусаффо осмон улар учун муҳайё бўлиши керак. «Турон», «Туркистон», «Янги миллий пул бирлигини таъсис қилиш», «Иттифоқдан тезроқ чиқиш» қочмайди. Бу муаммолар халқ фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда ҳал этилиши ҳаммага аёндир.

Акмал СУЮНОВ.

Сирдарё вилояти, Ильич райони, Узоқов номли давлат хўжалиги.

ИСТАГИМИЗ

Мен рўзноманинг тингловчисиман... Ҳа, шундай. Кўзларим деярли кўрмайди. Икки йилдан буён шундай бўлиб қолди. Менга хабарларни фарзандларим ўқиб беришади.

Ўз фикримни айтсам, Ўрта Осиё минтақасида экологик вазият анча ёмонлашиб кетгани сабабли касалликлар ҳам кўпайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда рўзнома саҳифасида етук врачлар, экстрасенс биоқувват эгалари билан муштарийларнинг учрашувларини ёритиб, уларнинг маслаҳатлари билан таништириб борсангизлар.

Боқиевой ЧАҚҚОНОВ.

Самарқанд вилояти, Советобод райони, «Жом» давлат хўжалиги.

Кўпчиликнинг дилидан тобора чуқурроқ жой олаётган рўзномамизда деҳқон меҳнати, деҳқончилик маданияти ҳақида ўқимишли мақолалар берилса, айни муддао бўларди. Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: ҳунарманд ва косибдан инсоф кетса, уни тузатса бўлади, агар деҳқондан инсоф кетса, ёқангни ушлади. Зеро, одамларни тўйдирадиган, дунёни боқадиган — деҳқон. Унинг меҳнати алоҳида эътиборга арзийди.

А. СУЛТОНОВ.

Фарғона вилояти, «Ўзбекистон» районидаги, «Пахтақайнар» жамоа хўжалиги.

Тил тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини астойдил назорат қилсангизлар. Айниқса, Фарғона вилоятида аҳвол ёмон. Мен ҳуқуқшунос сифатида ҳар ойда семинарга бораман. Уни жаннжал билан ўзбек тилида ўтказамиз. Адлия бошқармасининг Сабардиня деган бир муовини бор. Талаб қилсак, сал қолади миллатчи бўлиб чиқишимизга. Ҳакамлар сусида ҳам ўзбек тилини билмайдиганлар тўпланиб олган.

А. ТУХТАСИНОВ, қуқуқшунос.

«ҲОЖАТБУРОР» ТАЛАБАЛАР

Тошкент «Жанубий» темир йўл вокзалида пойтахтимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган баъзи ваққон талабалар кассалардан 5-10 тагача патталарни талабалик гувоҳномалари билан сотиб олишиб, 2-3 бараварига пуллашмоқда. Ички ишлар бўлими ходимлари кўрган чоралар натижасида тўқимачилик институти талабаларидан Фрунзе райони халқ судида Шердорқулов деган шахс огоҳлантирилди, Г. Квнжаевга 20 сўм, Ш. Чориева 100 сўм жарима солинди. Политехника институтининг «ҳожатбурор» талабалари Б. Қудратов, М. Шонияёзов, Г. Бадаловнинг қилмишларини ҳам халқ суди кўриб чиқиб, ҳар бирига 100 сўмдан жарима солди.

Қизиқ, олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишлари шунчалик пасайиб кетганми? Нима учун ҳозиргача шу олий ўқув юртларидан бизнинг талабномамизга жавоб келмаяпти?

Рустам ҚУЧҚОРОВ, милиция ходими.

ХАЛҚ КИМЛАРДАН НОРОЗИ?

Жумҳурият радиосидан 17 январь, чоршанба куни эрталабки сўнгги ахборотда пойтахтдаги Чилонзор марказий универмаги текширилганда 20 минг дона совун, 24.000 қути совун кукуни, Мирсаидов магазинидан 2 минг дона совун, 12 минг қути совун кукуни, 5-магазин (мудири Ғаниева)дан ўн минг дона совун кукуни, 4-магазин (мудири Рех)дан 2 минг дона совун, 7 минг қути совун кукуни топилгани (келтирилган рақамларда ва фамилияларда янглишиш бўлса, узр) эълон қилинди-ю, қаллобларга нисбатан ҳеч бўлмаганда «инсофсиз» сўзи ишлатилмади. Хўш, ҳаммаси шу билан тугадими? Қарийб қўпорувчилик даражасида иш тутган, чўнтак тўлдириш илинжида умумхалқ бойлигини совурганлар тақдири нима бўлади? Рўзномада шу ҳақда мақола берилишини сўрайман.

С. ҚИРОНОВ.

Фарғона вилояти, Ўзбекистон райони, Учбилак қишлоғи.

ИФТИХОР

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги давлат мукофоти соҳиби Пиримқул Қодировнинг ҳар бир асари, у тарихий манбалардан бўлсинми, замонавий мавзуда бўлсинми, ёзувчи ҳамюртларининг қалбига жуда яқин. Бу яқинлик нафақат асар мазмунининг киши дилига эшлиги, нафақат ёзувчи бадиятининг таъсири, балки асарлардаги воқеалар ривожининг сен яшаб турган ҳудудларда, ёнингинда бўлиб ўтганлигида ҳамдир. Ҳар сафар Шаҳристон довони томон борар эканман, Ойкўл, Оқтанги, Кусовли, Уроқли, Оқсой, Кемқул деб номланган жойлар кўз олдимда намоён бўлади, беихтиёр ёзувчининг илк асарларидан бири — «Уч илдиз»ни хотирлайман. Давр нафаси, сиёсатимизнинг ҳар бир пасту баланди шу олис Туркистон тизма тоғлари ёнбағирларига, жим-жит, беғубор гулзаларга ҳам етиб келганлиги, бу ердаги чорвадорнинг ҳаётида, ишларида маълум из қолдирганлигини тушуниб етгандек бўламан.

Тарихни, тарихий шахсларни ўрганишда «Юлдузли тунлар» романи асосида яратилган «Бобур» видеофильми маълум роль ўйнагай. Романни ҳамма ҳам ўқимаган бўлиши мумкин. «Бобур» видеофильмини эса кўпчилик кўрди. Ун кун одамлар телевизорга «қадалиб» қолдилар. Кўчада, меҳмонхонада, чойхонада, ишхонада, тушлик пайтида ҳам видеофильм билан баробар муҳокама, мунозара давом этди. Биринчи маротаба Бобурнинг, шу билан бирга темурзодаларнинг мураккаб ҳаёт йўли, давр зиддиятлари жонли мулоқотлар орқали одамларнинг кўзи олдида намоён бўлди.

«Бобур» видеофильмини яратиб, уни кўпсонли томошабинлар ҳукмига ҳавола этган режиссёрга, артистларга, ҳофизларга, телевидениенинг ҳамма ходимларига раҳмат айтгинг келади.

Холмат ШОМАТОВ, муҳандис-қурувчи. Ленинобод вилояти кенгашининг депутати.

ЁРДАМ СУРАЙМИЗ

Биз, Самарқанд вилояти, Оқдарё районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Ҳолдор қишлоғида яшовчилар 1984 йилда «бош план» асосида қишлоғимиз четидан уй қурдик ва ҳозир шу уйларда электр чироғисиз олти йилдан буён истиқомат қилиб келмоқдамиз. Шу даврда ичида бормаган, арз қилмаган идорамиз қолмади. 1986 йили «Муштум» жаридасида танқидий мақоламиз эълон қилингач, район ижроия комитети ва электр таъминоти идорасидан ўртоқлар келиб, албатта ёрдам берамиз, дея катта ваъда қилиб кетишди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади.

Қишлоқ тобора кенгайиб бораяпти. Районимиз ва хўжалигимизда бошлиқлар тез-тез ўзгаришади. Додимизга қулоқ соладиган одам эса йўқ. Шундай замонда ҳам электрсиз яшаш мумкинми, ахир! Болаларимиз кечаси чироқ билан дарс тайёрлашади, радио ва телевидение эшитиришларини кўролмаймиз. Бу галги янги йилни яна электрсиз ўтказдик. Ишларимиз шу тарзда кетадиган бўлса, табиий газ, водопровод деган нарсалар якин юз йиллар ичида насиб этишига кўзимиз етмайди.

Ҳолдор қишлоғидаги бир гуруҳ ёшлар номидан: Ш. ЭСИРҒАПОВ. Жами 19 имзо.

ДАРДИМГА МАЛҲАМ БЎЛИНГ

Рўзномангизда чиққан «Менинг онамни кўрмадингизми!» мақоласини ўқиб эканман, қалбим ларзага келди. Кичкина ўғлим докторларнинг нотўғри диагноз қўйишлари натижасида қаётдан кўз юмган. Шу фарзандимнинг яшаши учун ўз жонимни беришга ҳам тайёр эдим... Қандай тошмеҳр ота-оналар борки, жигарбандларини етимхоналарга ташлаб кетишаяпти! Мен бундай ота-оналарга жамиятимизда яшашга ўрин йўқ, деб ўйлайман. Сиздан илтимос қилардимки, мен бир ёшгача бўлган ўғил болани фарзандликка олмоқчиман. Сизлар бу ишда ёрдам берсангизлар, фарзанд доғида куйган юрагимга малҳам берган, қолаверса, бир болани тирик етимлик азобидан қутқарган бўласиз. Мен бу болани қалбим кўри, юрак меҳри билан қаётда ўкситкмай тарбиялайман.

Сиздан ялиниб, ёлвориб илтимос қилиб қолувчи:

Шарофат ИКРОМОВА.

Наманган вилояти, Задарё районидаги Алишер Навоий номли 6-ўрта мактаб.

«НАВРЎЗ» халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жумҳурият ташкилот комитетинииг таркиби

Ёқубов Г. — Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раиси (комиссия раиси)

Хўжаев Ш. Х. — «Меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия жамғармаси раиси (раис ўринбосари)

Искандаров Ж. — Қорақалпоғистон уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси (раис ўринбосари)

Ёқубов Д. — Ўзбекистон ССР Президентининг ёрдамчиси (масъул котиб)

Азимов Р. — СССР халқ депутати

Алимов О. А. — Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгаши раиси

Алимов Ш. — Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазири

Алимов А. — Тошкент вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси

Алимов С. А. — Сирдарё вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси

Алламуродов Б. — Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерация раиси

Аминов Б. — маданият ходимлари малакасини ошириш институти ўқитувчиси

Асанов А. — Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи котиби

Асқаров О. Х. — Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси

Баҳромов С. М. — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазири

Волков Г. Г. — «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг раиси

Воҳидова У. Т. — Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти раиси

Жўраев Ш. — Ўзбекистон ССР халқ артисти

Зиёмова Ш. — Ўзбекистон ССР Президентининг миллатлараро масалалар бўйича маслаҳатчиси

Исмоилов А. Р. — Сурхондарё вилоят меҳнат ва уруш фахрийлари кенгаши раиси

Зоидов М. А. — тинчликни ҳимоя қилиш жумҳурият комитети раиси

Камолов Б. М. — Ўзбекистон ССР ички ишлар вазири

Каримова Т. А. — Ўзбекистон ССР халқ депутати

Каримов Б. И. — Фарғона вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси (раис ўринбосари)

Маматова О. — Ўзбекистон ССР халқ депутати

Мельничук В. — байналмилалчи жангчилар уюшмаси раиси

Маҳмамов М. — Ўзбекистон телевидениеснинг бадиий раҳбари

Мусаев Э. — Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари

Муталов А. М. — Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари вазири

Муҳаммад Юсуф Муҳаммад СОДИҚ — Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси

Муҳаммад Солиҳ — Ўзбекистон ССР халқ депутати

Муҳиддинов Н. А. — Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти бошқаруви раиси

Назаров Б. — Ўзбекистон ССР Президентининг маданият, маориф ва ижтимоий муаммолар бўйича маслаҳатчиси

Назиров О. Н. — Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети раиси

Иажмиддинова Ф. — Қўқон шаҳар Меҳр-шафқат ва инсонпарварлик жамияти раисининг ўринбосари

Носирова А. Н. — Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби

Охунжонов С. С. — генерал-лейтенант

Раҳимов К. — Ўзбекистон ССР алоқа вазири

Раҳимов А. Р. — Бухоро вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси

Саидов А. — Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси

Самандаров Э. — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари — ижтимоий тараққиёт, фан ва маданият комплексининг раҳбари

Санақулов З. С. — Жиззах вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси

Солиҳбоев С. Ш. — Самарқанд вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси

Султонова С. У. — Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа жамияти раёсатининг раиси

Сўпиев Қ. — журналист, байналмилалчи жангчи

Саъдуллаева Б. — «Чиғатой» дўконининг директори

Тошмуҳамедов Б. О. — Ўзбекистон ССР фанлар академияси физиология институти директори

Убайдуллаев С. — Меҳрибонлик жамияти раиси

Усмонов М. З. — Ўзбекистон ССР савдо вазири

Усмонова С. У. — Ўзбекистон ССР халқ депутати

Шарипов Ш. Н. — республика миллатлараро маданият марказининг директори

Қобилова З. — Наманган вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раисининг ўринбосари

Ғонбов Н. Ё. — Ўзбекистон ССР маданият вазири

Ҳамидов Ж. Ҳ. — Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг котиби

Худойберганова О. — Хоразм вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси

Эшонтўраева С. — СССР халқ артисти

Юсупова К. Ю.— Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири

Юсупова И. Т. — Ўзбекистон ССР болалар фондининг раиси

НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

КЕЙИНГИ бир-икки йил ичида пайдо бўлган меҳр-мурувват уюшмалари ва жамғармаларининг асосий мақсади — ночор-ногиронларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш. Навоий шаҳрида яшовчи ногиронлар ҳам ижтимоий ҳимояланишни мўлжаллаб ўз жамиятларини туздилар. Яқинда унинг фаолияти қоидалари мажмуаси тасдиқланди. Навоий қурилиш бошқармаси касаба уюшмаси фаоллари жамиятни биринчилар қатори қўллаб-қувватлаб, уч минг сўм пул ўтказдилар.

М. МАРДИ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент тўқимачилик комбинати Ўзбекистон енгил саноатининг тўнғич корхоналаридан ҳисобланади. Бу ерда ўз ишининг усталари кўп. Сайёра Очилова — шулардан бири. У кунлик топшириқни 120—125 фоиз адо этиб ҳамкасбларга ибрат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: С. Очилова. Тўлқин КАРИМ олган сурат.

Хабарлар оқимидан

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ШАРОФАТИ

Ленинскдаги дон маҳсулотлари комбинатида барча технология жараёнлари автоматлар назорати остига олинди. Бу ходимларнинг бир қисмини унумсиз меҳнатдан озод қилиш имконини берди, шунингдек ишлаб чиқариш циклининг пухталигини оширди. Комбинатда реконструкция ишлари тугалланган туфайли электроникадан кенг фойдаланиш мумкин бўлди. Республика Дон маҳсулотлари вазирлигининг мутахассислари эскириб қолган машина-ускуналарни Швейцариянинг «бюллер» фирмаси лицензияси билан тайёрланган замонавий агрегатлар билан алмаштиришлари учун ун бир ой ўрнига атиги олти ой керак бўлди. Натижада ун ишлаб чиқариш кўпайибгина қолмай, шу билан бирга унинг сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Энди Ленинскда олий ва биринчи навли ун тайёрланмоқда.

ЎЗ ИШИНИНГ УСТАЛАРИ

Қозоқдарё балиқчилик заводининг моҳнаткашлари Қорақалпоғистон дўконларига йил бошидан буён қарийб икки юз центнер дудланган балиқ жўнатдилар. Минтақадаги шунча офатларга қарамай, оролбўйида балиқ овлаш тўхтаб қолмади. Тўғри, бунинг учун бу ердаги беш юздан зиёд балиқчи олис сув ҳавзаларига боришига тўғри келяпти. Ҳозир улар балиқнинг кўпгина қисмини Қоратеран, Тошпенкўл, Оқпетка, Думалоқ участкаларидаги қўлларидан тутишмоқда. Балиқчилик заводининг жамоаси ўз ишининг устаси. Бу ерда ўтган йил режаси 137 фоиз бажарилди.

МАВСУМГА ШАЙ

Сирдарё вилоятидаги «Социализм» давлат хўжалигида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган салкам 270 та техника ишга шай қилиб қўйилди. Бу юмуш аввалги йиллардагига нисбатан анча барвақт бажарилди. Агрегатларни тиклаш янги усулининг натижалари ана шундай. Бу йил фақат жиддий ремонт қилиниши керак бўлган техникагина марказий ремонт устахоналарида тузатилди. Қолган ишларни бўлимлар механизаторларининг ўзлари зиммаларига олдилар. Бунинг эвазига энди уларда янги маусум олдидан дам олиш имконияти пайдо бўлди.

СЕРҒАЙРАТ БУНЁДКОРЛАР

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг Хўжаободда жойлашган механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси Андижон вилояти хўжаликларига хилма-хил темир-бетон буюмларининг катта туркумини жўнатди. Бу орда ишлаётган участкада ток сўрилари учун устунлар, бетон арқиқлар, моллар учун ем соладиган идишлар, йўлкаларга ётқизиладиган плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Шу йил бу ерда 300 минг сўмлик шундай маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бу орада механизациялашган кўчма колоннанинг бошқа бўлинмалари якин атрофдаги давлат ва жамоа хўжаликларида ишлаб чиқариш биноларини, уй-жойларни, маиший объектларни қуриш ва ремонт қилиш билан шуғулланмоқда.

(ЎзТАГ).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 508 йиллигига

Пиримқул ҚОДИРОВ — РУҲНИНГ ЖАСОРАТИ

«Энг қийин жасорат руҳнинг жасоратидир», — деб бежиз айтмаганлар. Чунки жангларда ботирлик кўрсатган одамлар ҳам гоҳо ўз ҳаётларига оид аччиқ ҳақиқатни айтишга журъат этмайдилар. Қилган гуноҳ ва хатоларини ошкор этсалар, ёмон от қолдирадигандек ҳайиқиб, уларни яширишга интиладиганлар кўп. Шунинг учун тарихда ўз ҳаёти тўғрисидаги бор ҳақиқатни рўй-рост айтган одамларнинг маънавий жасоратлари асрлар давомида унут бўлмайди.

Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижод майдонида қанчалик зўр жасорат билан қалам тебратганлиги шундан билинадики, беш аср давомида қанча китоблар эскириб истеъмолдан чиқиб кетди, аммо Бобурнинг энг яхши асарлари ҳамон жасоратга тўла ҳаёт дарслиги ва халқларни бир-бирига руҳан яқинлаштирувчи маънавий кўприк тарзида эъзоз билан ўқилаяпти. Айниқса «Бобурнома» улуғ руҳнинг жасоратини ўзида мужассам этган оламшумул асар бўлгаилиги учун уни буюк француз адиби Ж. Ж. Руссонинг «Иқрор»ига қиёс қиладилар. Руссо мероси Францияда қанчалик эъзозланса, Бобур мероси Ўзбекистонда шунчалик қадрланишга муносибдир.

Мирзо Бобур ўз даври ва ўз муҳитидан баланд турган маърифатли сиймо, тарих яратувчи ижодкор шахс эди. Шу боисдан подшоҳлик лавозими унга роҳатдан кўра кўпроқ азоб келтирди, бошига беҳисоб кулфатларни солди.

«Юз жабру ситам кўрган,
Минг меҳнату ғам кўрган,
Осойиш кам кўрган
Мендек яна бир борму!!»

Шоир қалбининг бу туғёни бизда самимий ҳамдардлик ҳисси уйғотади. Чунки у шунча даҳшатларни, шунча кулфату фалокатларни бошдан кечирганига қарамай, ўзидаги энг яхши фазилатларни йўқотмади, унга табиат берган улуғ истеъдодни беҳуда ҳайф қилмади, балки тенгсиз бир меҳнатсеварлик ва фидокорлик билан ўлмас асарлар ёзиб қолдирди.

Бобур ўз эсдаликларида ҳақиқатни ёзишни мақсад қилиб қўяди. Ўз хатоликларини, қонли урушларни ростгўйлик билан битади. Аччиқ ҳақиқатни рўй-рост айтишда Бобур ўзини аямагани каби яқинларини ҳам аямади. «Ини-оғадин ҳар яхшилик ва ёмонлиққим, шойиъ эди, тақрир қилдим, — деб ёзади «Бобурнома»да. — Қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқеъ эди, таҳрир айладим. Ўқиғувчи маъзур тутсин, эшитувчи таарруз (яъни қаршилик, хафалик —П. Қ.) мақомидан ўтсун».

Ростгўйликка қарши ҳаракатлар бўлишини олдиндан билган Бобур аччиқ ҳақиқатни ёзганлиги учун яқинлари ва қариндошларидан узр сўрайди. Лекин шунга қарамай «Бобурнома» ҳали кўпчиликка етиб бормаган, қўлёзма ҳолида денгиз тубидаги гавҳардек ҳимоясиз ётган даврларда унга тажовузлар қилинади. Масалан, 1508 йил воқеалари баён этилаётган варақда Бобурга қарши исён кўтарган беклар ва улар томонига ўтган қариндошлар тўғрисида битилган жойда қўлёзма бирдан узилиб қолади. Ҳатто бошланган жумла тамом қилинмаган ҳолда ўн йиллик улкан даврни ўз ичига олган боблар мутлақо йўқолади. Ҳолбуки, шу даврда Бобур Исмоил Сафавий билан иттифоқ тузиб, Самарқандни учинчи марта олган, «Хатти Бобурий» деб аталган янги алифбони жорий этишга интилган. «Бобурнома»нинг йўқолган бобларидаги воқеаларнинг бир қисмини биз машҳур рус тарихчиси М. В. Карамзиннинг «Россия давлати тарихи» китобидан топамиз. Рус солномаларининг маълум қилишича, Бобур ўша даврда Каспий денгизи бўйларидан ўтиб, Табризга сафар қилган. У ерда туриб рус сайёҳлари билан танишган, Россия давлати тўғрисида тасаввур ҳосил қилгандан кейин Аградан Москвага элчи юборган. Мана шу ўн йил давомида Бобурнинг дину мазҳаб низоларидан юқори турғани, атроф мамлакатлар билан яқиндан алоқа қилишга интилгани, унинг баҳри кенглик, очиқлик сиёсатини юргизишга интилгани қора кучларга ёқмаганлиги шубҳасиз. Улар «Бобурнома»нинг шу воқеалари ёзилган бобларини ўғринча йиртиб олиб, ёвузларча йўқотиб юборганлар, деб тахмин қилишга асос бор.

«Бобурнома»ни синчиклаб ўқисангиз, унинг муаллифи беҳад соғлом, ниҳоятда чиниққан йигит бўлганини кўрасиз. 17 яшар Бобур қиш кунида Бекобод яқинидаги Ҳаштияк деган қишлоқда тунайди (бу қишлоқ ҳозир ҳам бор). Сирдарёнинг юзи ўшанда совуқдан музлаганди. Бобур эрталаб уйғонганда зарурат сезиб, музни тешиб ғусул қилади. Йигирма уч яшарлигида кеч кузда Ҳиротдан Қобулга қайтаётганда Афғонистоннинг энг баланд қорли довонларидан бири бўлган Кўтали Заррингa қалин қор ёғиб, йўл бекилиб қолади. Қор узангидан баланд бўлади. Отлар юролмай қолгандан кейин бақувват-бақувват йигитлар олдинга ўтиб, қор тепиб, йўл очишга киришадилар. Лекин баланд тоғ устида ҳаво сийрак, бунинг устига қор бўралаб ёғиб кўз очирмайди. Тик йўл юқори қараб кетган, бақувват йигитлар ҳам қор тепа-тепа ҳолдан тоядилар. «Энди шу довонда қор тагида ўлигимиз қолади» деган бир ваҳима бошланади. Шунда Бобурнинг ўзи олдинга ўтиб, қор тепиб, йўл очишга киришади. Одамларни Қутий деган шамолпана жойга бошлаб чиқишга муваффақ бўлади. Бу воқеада биз Бобурнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий куч-қудратини яққол кўрамиз. Шундай оғир вазиятда у ўз шоирлик истеъдодидан мадад олади. Гўзал бир ғазалга матлаъ, яъни калит бўлган қўйидаги икки сатрни Қўтали Заррида қор остида тунаганда топади. Мана ўша машҳур матлаъ:

Чархининг мен кўрмаган жабру
жафоси қолдиму!
Хаста кўнглим тортмаган дарду
балоси қолдиму!

Чиндан ҳам, Бобур кўрмаган жабру жафо ва дарду бало қолмаган. Лекин ҳаётнинг барча кўргиликларини паҳлавонларча куч, ботирларча журъат, шоирларча маънавий қудрат билан енгиб ўтган.

«Мен умрим бўйи йўлимда учраган барча дарёлардан сузиб ўтдим», —деб ёзади Бобур ўзининг умр китобида. Демак у Сирдарёдан, Амударёдан, Кобулу Синд, Жажна, Ганга — ҳаммасининг бир қирғоғидан иккинчисига қулоч ёзиб сузиб ўтган. Бу фактга шубҳа қилиб бўлмайди, чунки ҳинд олими В. Даттнинг ёзишича, Бобур Ҳиндистонда яшаган даврида, яъни 44—45 яшарлик пайтларида Агра қўрғонининг кенг деворн устида икки соқчи йигитни икки қўлтиғига кўтариб, чопиб ўтганини кўпчилик кўрар экан. Қирқ беш ёшида ҳали паҳлавонона кучини йўқотмаган шундай соғлом одам эллик йил ҳам умр кўрмаган. Замон гирдоблари у ёзган шоҳ асарнинг Улуғ Жавоҳарлал Неру Бобурни уйғониш даврининг вакили, дилбар сиймо, жўмард инсон, ғарб тили билан айтганда — ҳақиқий рицарь, деб таърифлагани бежиз эмас. Бундай юксак баҳога «Бобурнома»да қаламга олинган ўнлаб, юзлаб далиллар асос бўлади. Шу далиллардан бир-иккитасини эслайлик.

Ҳиндистоннинг Секри тоғи олдида 1528 йилда Рано Санго билан бўладиган оғир жанглар арафасида Муҳаммад Шариф номли мунажжим осмондаги юлдузларни навкару бекларга кўрсатиб: «Миррих ёғий тарафдадур, ҳар ким биз тарафдин урушса, мағлуб бўлур», — деган овозани тарқатади. Қўшин орасида ваҳима бошланади. Бобур бу ваҳимани босиш учун ўзининг бутун нотиқлик санъатини, шоирлик ва саркардалик кучини ишга солади. Ниҳоят, ваҳимачи мунажжимнинг таъсири қирқилади, қўшин Бобурга ишонч руҳи билан жангга кириб, ғалабага эришади. Шундан сўнг мунажжим Муҳаммад Шариф Бобурга тан берган бўлиб, уни ғалаба билан табриклагани келади. Бобур унга аччиқ-аччиқ гапириб, «ичимни холи қилдим», — деб ёзади «Бобурнома»да. — Агарчи шумнафас, ўзига асру мағрур совуқ киши эди, чун қадимий хизмати бор эди, бир лак инъом бериб буюрдимким, менинг қаламравимда турмағай».

Оғир жанг арафасида қўшин орасида ваҳима тарқатган одамни ҳар қандай саркарда ва ҳукмдор ўлим жазосига буюрса ҳақли бўларди. Бобур унга аччиқ ҳақиқатни айтиб маънавий жазо беради, аммо аввалги хизматларини эслайди-ю, бир лак яъни юз минг танга ҳақ бериб, даргоҳидан қувади.

Ҳақиқий жўмардлик, яъни рицарлик Бобурнинг ўлим тўшагида ётган ўғли Ҳумоюнга жонини бағишлаганида, «сенга келган ажални тангрим менга берсин!» деб худога муножот қилганида янада яққол кўринади. Бобурдаги мана шу инсоний фазилатлар унинг авлодларини ҳам довюрак, мард бўлишга ундайди. «Бобурнома»ни улар сафарларда ҳам ўзлари билан бирга олиб юрадилар, уни ҳаёт дарслиги, инсонийлик ва шоҳлик дастури деб биладилар. Шу дастурнинг маънавий мадади билан Ҳумоюн отаси Ҳиндистонда қуриб кетган улкан давлатни жуда кўп балолардан сақлаб қола олади ва ўғли Акбарга мерос қилиб беради. Акбаршоҳ эса бобосининг маънавий меросига таяниб ҳинд-муслим дўстлигининг меъморига айланади. Бобур орзу қилган, аммо етолмаган яна бир мақсадга, яъни аёл зотини улуғлайдиган одиллар қуришга унинг чевараси Шоҳжаҳон муваффақ бўлади. Ҳиндистону Туркистон халқларининг даҳосига таяниб яратилган Тожмаҳал дунёнинг етти мўъжизасидан бирига айланади.

«Бобурнома» тарихнависликда, насрий ижодда янги реалистик мактаб бўлганини алоҳида айтиб ўтмоқ керак. Бобур анъаналарини давом эттирган унинг қизи Гулбадан бегим «Ҳумоюннома» асарида нафосатга тўла аёллар оламини зўр ҳаққоний билан очиб берди. Истеъдодли бобурийлардан бири Жаҳонгир ўзининг «Тузуки Жаҳонгири» деб аталган эсдаликларида Бобур бобоси очган янги услуб йўлидан борди. Жаҳонгир энг улкан бобоколони исми билан «Темур тузуклари» деб аталган (афсуски, асл нусхаси ҳали топилмаган) машҳур китобнинг номидаги туркича «тузук» сўзини эъзоз билан, уни ўз асарининг сарлавҳасига чиқарди.

«Бобурнома»нинг жуда кўп жойларида Бобур ўзининг туркий улусдан эканини, ота тили туркийлигини таъкидлаб ёзади. Шу маънода биз «Бобурнома»ни барча туркий халқларнинг умумий манъавий бойлиги деб биламиз. Айни вақтда Бобурнинг Андижонда туғилганлиги, Фарғона водийсида ўсганлиги, Тошкенту Самарқандда яшаганлиги унинг инсоний-миллий қиёфасини ўзбек миллатига, бадиий тилини эса ўзбек адабий тилига беҳад яқин келтиради. Бугун биз «Бобурнома»ни таржимасиз ўқиймиз, унда она тилимиз бойликларини кўриб ифтихор қиламиз, кўчалар, мактаблар, ҳатто институтларни Бобур номига қўямиз. Айни вақтда биз Бобур қолдирган маънавий бойликларни мамлакатимизнинг барча халқлари билан, ҳиндистонлик, покистонлик ва афғонистонлик дўстларимиз, бутун тараққийпарвар инсоният билан бирга баҳам кўрамиз. Бунинг ёрқин бир далили — бултур кузда «Бобурнома»нинг 460 йиллиги Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва қардош жумҳуриятлар вакиллари иштирокида кенг нишонланди.

Улуғ воқеалар дунё миқёсида чиққанда турлича ном олиши тарихда учраб туради. Масалан, Англия ва Ҳиндистонда Бобурни, унинг авлодларини «улуғ мўғуллар» дейиш расм бўлган. Лекин машҳур ҳинд тарихчилари, жумладан Акбар даври тарихини ёзган Абулфазл Алломи унинг сажарасини қуйидаги тартибда битиб кетган: «Акбар бинни Ҳумоюн, бинни Бобур, бинни Умаршайх... бинни Амир Темур... бинни Абутурк». Демак, улуғ Акбаршоҳ ва унинг дўсти бўлган ҳинд олими Абулфазл бобурийларнинг келиб чиқиши туркий улуслардан эканини махсус таъкидлаган.

Биз учун энг муҳими шуки, «Бобурнома» бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди, инглиз тилида ўн мартадан ортиқ чоп этилди. Унинг французча таржимаси ЮНЕСКО мукофотига сазовор бўлди, русча, немисча нашрлари ҳам босилиб чиқди.

Биз — қуёш фарзандларимиз. Қуёш Шарқдан чиқса ҳам, Ғарб уни ҳар куни бизга қайтариб беради, шу туфайли янги кун туғилади. Қуёш фарзанди Бобур ва унинг шоҳ асари Шарқдан Ғарбга борар экан, оламни кезиб, умуминсоний қадриятга айланди ва туғилган юртига, Тошкенту Андижону Самарқандга оламшумул обрў билан қайтди. Бунинг учун биз улуғ ватандошимизнинг қадрини жаҳон миқёсига кўтарган барча элларга ва уларнинг бобушунос вакилларига таҳсину ташаккур айтсак арзийди.

Муҳаммад Заҳириддин Бобур туғилган кундаги эзгу тилагимиз шуки, Бобурдай улуғ даҳони берган табаррук замин ва унинг истеъдодли халқи доим бор бўлсин ва барча яхши мақсадларига етсин.

ЖАМИЯТ ВА ЖИНОЯТ

ТУНГИ ОТИШМА

ЯРИМ кечада Тошкент вилояти Калинин районида яшовчи нефть базаси хизматчиси К.нинг уйига юзига ниқоб тутган номаълум шахслар дераза орқали бостириб киришди. Улар ўточар қурол билан уй эгасини қўрқитиб, пул талаб қилишди. Қўшни хонада яшовчи ўша база ишчиси Т. тўс-тўпалонни эшитиб чиқди ва босқинчиларни чўчитиш ниятида қўлидаги ов милтиғидан тепага ўқ узди. Икки ўртадаги отишмада бегуноҳ Т. кўкраги ва юзидан яраланди. Тез орада қароқчилар қўлга олиндилар. Улар 3 киши бўлиб, 27 та ўқ жойланган Калашников автомати билан қуролланган экан.

Тергов давом этмоқда.

ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

18 январь куни номаълум шахслар Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ферма мудири Р. Жуманиёзовга «Ун минг бермасанг, уйингга ўт қўямиз» дейишди. Жабрланувчи ички ишлар бўлимига мурожаат қилгач, қароқчилар махсус қайд этилган 10.000 сўмни олаётганда тумшуқдан илиндилар. Улар ўша жамоа хўжалигида яшовчи эркак ва аёл бўлиб, иккаласи ҳам ҳеч қаерда ишламас экан.

СОТИЛГАН ТАФТИШЧИ

Республика Молия вазирлигининг катта назоратчи-тафтишчиси пул топишнинг қулай усулини қўллади. У Тошкент вилояти Оққўрғон районидаги кооператив раисидан уни солиқ тўлашдан озод қилиш эвазига пора олаётган пайтда қўлга тушди. Кооперативнинг даромади 25 минг сўм бўлиб, солиқ миқдори 3 минг сўм. Қизиғи шундаки, бу — йил бошидан буён қайд этилган бешинчи порахўрлик.

«Интернационал» клубининг ҳайдовчиси Н. кайф билан Шаҳрисабз шаҳар Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги ўз уйи олдида «ҳунар» кўрсатди. У қўшнисининг уйига меҳмон бўлиб келган М.нинг «Жигули» автомашинасини ов милтиғидан ўққа тутиб, ойна ва ғилдиракларини ишдан чиқарди. Милиция келгандан сўнг у уй панасига ўтиб олиб қаршилик кўрсатаверди. Огоҳлантиришлар кор қилмагач, безорини ўқ узиб яралашди ва касалхонага «кузатиб» қўйишди.

СОЛИЖОННИ КЎРГАН БОРМИ?

1971 йилда туғилган Солижон Аҳмедов ўтган йили июнь ойидан буён Наманган вилояти Задарё район ички ишлар бўлими томонидан қидирилмоқда. Унинг суратига диққат қилинг: балки Солижон сиз билан учрашганда руҳий касал бўлганлигидан ўзи ҳақида ҳеч нарса дея олмас. Уни отаонаси сўроқлайди. Бедарак кетган бу бола тўғрисида бирон нарса билсангиз, Тошкент шаҳрига 397-454 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

Тил билган эл билади, дейди халқимиз. Инсоннинг бир эмас, бир неча тилни ўзлаштиришга қурби етади. Фақат хоҳиш, саъй-ҳаракат бўлса бас.

Тошкент шаҳар Киров районидаги 247-мактабда интилувчан, тил ўрганиб бўлган ўқувчилар кўп. Мактабнинг рус синфлари дилларга йўл солмоқчи ўқувчилари ҳам ўзбек тилини ўрганишаётир.

СУРАТДА: 6-синф ўқувчиси Лена Соколова ўзбек тили дарсида.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

Е РАБКИ, ИНОЯТИНГНИ ЕР АЙЛА МАНГА,
ЙУҚЛУҚҚА ҲИДОЯТИНГНИ БОР АЙЛА МАНГА,
ҲАМ КАҲФИ КИФОЯТИНГНИ ДОР АЙЛА МАНГА,
ҲАМ ДУРРИ ИНОЯТИНГ НИСОР АЙЛА МАНГА.

ШЕЪРИЯТ БОҒИ

● Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият мажмуида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллиги шарафига белгиланган тантаналарнинг қандай ўтаётганлиги кўриб чиқилди.

Республикада Навоий йилига бағишланган анчагина тадбирлар ўтказилганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан республика «Билим» жамияти уюштирган навоийхонлик, буюк шоир асарлари ва у яратган ашъорларнинг турли тиллардаги нодир нашрлари намойиш этилган кўргазма очилиши шундай тадбирлар жумласиндир. Театрлар саҳналарида бирқанча премьералар бўлиб ўтди. Навоий асарлари тўпламининг рус ва ўзбек тилларидаги дастлабки жилдлари чиқарилди, шоирнинг кўпчиликка таниш бўлмаган асарлари нашр қилинди. Шарқнинг улуғ мутафаккири таваллуд топган кун ҳам тантанали нишонланди.

Навоий йили давом этмоқда. Олдинда шоир хотирасига бағишланган кўпгина тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Булар сентябрь ойида тугалланади. 4 сентябрда Тошкентга турли республикалардан ва чет мамлакатлардан меҳмонлар келишади. 7 сентябрда СССР Халқлари дўстлиги саройида катта тантанали кеча ўтказиш режалаштирилаяпти. Шундан кейин нишонлаш Москвада давом эттирилади.

Узбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан Тошкентда барпо этилаётган Навоий шеъриятн боғининг лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Бу боғни қарийб 120 гектар майдонда яратиш мўлжалланмоқда. У СССР Халқлари дўстлиги саройи ёнидан бошланиб, Байналмилал кўчасигача давом этади. Меъморлар мазкур ҳудудни тубдан таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш борасидаги ўз таклифлари билан таништирдилар.

(ЎзТАГ).

НОЁБ МЕРОС

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги жумҳурият кутубхонаси ходимлари буюк ўзбек шоири ва мутафаккирининг 550 йиллигига бағишланган кўргазма ташкил этишди. Унда «Бадое ул бидоя», «Наводир ун ниҳоя», «Хамса» достонлари, «Мажолис ун нафоис», «Маҳбуб ул қулуб» сингари 30 дан зиёд асар қўлёзмалари илк бор намойиш қилинмоқда. Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, асарлари хусусида илк марта Европа халқларини бохабар этган француз шарқшуноси Бартольд Эртелонинг «Шарқ кутубхонаси» туркумидан (1697 йил, Париж) китоби ҳам (у юбилей муносабати билан Тошкентга келтирилди) кўргазмадан ўрин олган.

Шоирнинг инқилобдан кейин ўзбек, рус, ғуржи, қозоқ, қирғиз, украин, олмон, фаранг, турк тилларида чоп этилган асарлари, грампластинкаларга ёзиб олинган ғазаллари, «Навоий — миниатюралар»да суратлари, Ҳ. Зарифи, А. Ҳайитметов, А. Қаюмов, Ойбек, Шайхзода ва С. Ғаниеванинг Мир Алишер ижоди ҳақидаги асарлари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

И. ТОШЕВ.

ПОЛИЭТИЛЕН ИДИШГА ҚУЙИЛАДИ

Ҳамза шаҳридаги минерал сув заводи маъмуриятининг италиялик мутахассислар билан бошлаган музокаралари битимга келиш билан якунланса, корхона маҳсулотлари полиэтилен идишларга қуйилади.

«ФАРҒОНА» минерал сувига талаб катта. Унга Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон муҳтор жумҳуриятидан ҳам буюртмалар олинаяпти. Шиша идишлар етишмаслиги туфайли эҳтиёжларни қондиришнинг имкони бўлмасди. Утган йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида заводдаги технологик ускуналар таъмирдан чиқарилди. Бўш шишаларни йиғадиган ширкат дўконлари очилди. Мана энди маҳсулотларни қуйишда полиэтилен идишлардан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида италиялик мутахассислар билан музокара олиб борилаяпти.

Заводда қўшимча цех очиш ҳам мўлжалланмоқда. У ишга тушса, корхонада минерал сув ва бошқа ичимликлардан ташқари қандолатчилик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарила бошлайди.

Равиё ҲАЛИМОВА.

Михаил КАГАРЛИЦКИЙ.

ТААССУФ

Ҳа, бу унинг энг аълочи ўқувчиларидан эди. Глобусдаги ҳар чизиқни қунт билан кузатар, ҳарфларни жимжимадор қилиб, ҳафсала билан ёзар, қўлланма саҳифаларини интиқлик ила варақларди. Айрим пайтлари муаллимга ачинганча тикилиб қоларди. Унсиз нигоҳи-ла: «Ўзни бунчалар уринтирмоққа не ҳожатї» деяётгандай бўларди.

Кунлардан бир кун ўқуачиси ўша саволни ундан очиқ сўрашга журъат этди. Муаллим буни узоқ тушунтирди. Суюкли ўқувчисининг бемаъни саволидан ажабланганн учун хаёллари тўзиб кетди. Жумлалари ишонарсиз, қуруқ чиқди. Аммо шогирди ҳар сўзини бош эгганча одоб билан тинглади.

Мактабдан бир пайтда кетишди. Ўқувчиси мактабни битирди, уни эса янги ишга ўтказдилар. Халққа маърифат тарқатолган кимса уни душманлар фитнасидан ҳам ҳимоя эта билиши керак, дейишди. Янги хонаси зах, у ерга қуёш нурлари умуман тушмас эди...

...Уни олиб кетгани ишхонага келишди. Одатда уйга борганда эдилар. Ҳа, улар тўсатдан пайдо бўлишни ёқтиришади, хулоса қилди муаллим. Келганлар уч киши эди. Учинчи бўлиб собиқ ўқувчиси эшикка суянганча хотиржам турарди.

Уни икки киши бўлиб калтакладилар. Айниқса, ўқувчиси бу ишни ихлос билан бажарди. Унинг муштдеккина жуссасида шунча куч қаёқдан пайдо бўлганига муаллим ҳайрон қолди. Шогирдининг зарбалари бир меъёрда аниқ тегар, оғриқдан одамнинг йиғлагиси келарди. Айниқса, синган тишлари зирқирарди. Нафас олиш учун оғиз очди дегунча тишлари бигиз санчгандай лўқиллаб кетарди. Албатта, бурни билан ҳам нафас олиши мумкин эди. Аммо бурун катакдари қонга тўлиб битиб қолганди. Не ажабки, ўшандай аҳволда ўқувчиси унга ачинганча тикилди. Навбатдаги зарба олдидан у пичирлаб астагина сўз қотди: «Халққа қарши борганн қандоқ ҳаддингиз сиғди, малим?». У саволга жавоб бермади. Ҳатто буни истаганида ҳам гапиролмасди. Келганидан буён у ҳали бирон марта ҳам оғиз очмаганди.

Уни кўриб устоз ажабланмади. Қачонлардир болани ўша ишга ўзи тавсия этганди.

Янги жойда муаллим кўргазмаларга имзо чекарди, холос. Унинг имзоси рўйхатдагилар учун ҳам, ўзи учун ҳам умуман аҳамиятсиз эканини у яхши биларди. Ортиқча машмашадан қутулиш учунгина қиларди бу ишни. Бироқ осиёликларга хос ички ғурур йўл қўймадими, ишқилиб айбини ҳеч бўйнига олгиси келмади. Оқибатда тергоачилар даҳшатлироқ усул қўллашга мажбур бўлишди.

Кейин эса қўрқинчли туш унга азоб бера бошлади: у бозорда юрар, анор олмоқчи бўлиб, ёқутдек доналарни оғзига солар, роҳатланиб анор шарбатини сўрарди-ю уруғини туфлаб ташларди. Лекин майдаланган уруғларга қўшилиб тишлари ҳам тушарди. Тишлари ҳеч қандай оғриқсиз, қонсиз кетма-кет кафтига тушаверар, қовучлари тўлиб кетарди. Ўзи эса бирон нима қилишдан ожиз, гарангсиб тентирарди...

Лагерда у нисбатан яхши яшади. Қандайдир мирзанинг паришонхотирлиги туфайли уни жиноятчиларга қўшиб қўйишди. Улар муаллимни авайлашар, ўрмон кесишдек оғир ишга йўлатишмасди. Зотан, унинг зиёлинамо, бу ерларга мос тушмаган ноёб қиёфаси жиноятчилар учун томоша эди. Айниқса, тишсиз ғўлдираниб сўзлаши уларга кулгили туюларди. Бошқа қунарларни эпплолмагани сабабли у баракда ҳаммага эрмак эди. Ўша пайтда тақдирдан нолиш калтафаҳмлик бўларди. Зеро, уни итоаткорона қабул этишдан бўлак илож ҳам йўқ эди.

53-йилдан кейин у озод бўлиб уйига қайтди. Нутқи йўқлиги туфайли ўқитуачилик қилолмади. Уйга иш олларди. Ҳартугул шимолда ул-булни ўрганганн жонига ора кирди. У ҳамон эски жойида яшар ва ҳар куни бозордан ўтаётиб, ишга шошиб кетаётган собиқ ўқувчисини учратарди. Муаллимга кўзи тушиши ҳамоно у қўлини кўксига қўйиб таъзим қиларди. Аммо, энг даҳшатлиси, у муаллимга ўша-ўша таассуф ила боқарди.

Русчадан М. ИБРОҲИМОВА таржимаси.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ., Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 22.20. Индекс: 64608. 4907-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12